VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

45 (366) ● 2015 йил 18 ноябрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

**2016** йилги бандлик дастури лойиҳасида туризмни ривожлантириш ҳисобига 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган

"Ёшлар қаноти"нинг 55 нафар аъзоси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоларидир

ЎзМТДП ташаббуси билан 20 коллеж битирувчисига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди

**Демократик кучлар блоки**

## Аҳоли бандлиги — фаровонликнинг муҳим омили

### 2016 йилги бандлик дастури лойиҳаси муҳокама қилинди

***Бугун иқтисодий инқироз дунё миқёсида давом этиб, ишсизлик, аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи катта муаммога айланганини ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай бир вазиятда мамлакатимизда ҳар йили янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури қабул қилиниб, унинг асосида ҳудудларда минглаб иш ўринлари яратилмоқда, аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Демократик кучлар блокининг навбатдаги йиғилишида 2016 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари Сарвар Отамуратов кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг биринчи ўринбосари Баҳодир Низомов келгуси йил учун мўлжалланаётган дастур лойиҳаси хусусида батафсил маълумот берди. Қайд этилганидек, мазкур дастур 2015 йил январь ойида бўлиб ўтган ҳукумат йиғилишида белгилаб берилган йўналиш ва вазифалар ҳамда жорий йилги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

Унга кўра, янги объектларни ишга тушириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, қайта жиҳозлаш ва мавжуд қувватлардан янада тўлиқ фойдаланиш, ишламаётган корхоналар, аввало, саноат, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаларидаги корхоналар фаолиятини тиклаш, инфратузилма, коммуникация ва уй-жой объектлари қурилиши кўламини ошириш ҳисобига иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, дастур лойиҳаси кичик бизнесни, шу жумладан, якка тартибдаги ва оилавий тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳамда касаначилик имкониятларини кенгайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган.

> 4-бет.




**Райҳон УЛЕСЕНОВА,**
**Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти саҳна нутқи кафедраси ўқитувчиси, "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони соҳибаси:**

**— Навқирон авлод маънавиятини юксалтириш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, қалби ва онгида юртга муҳаббат ва садоқат туйғусини кучайтириш ЎзМТДПнинг дастурий мақсад-вазифаларидан ҳисобланади. Шу боис, партия сафида билимли, изланувчан, янгича фикрлайдиган, фаол ёшлар кўпаймоқда.**

**Мен "Миллий тикланиш"ни танладим. Сиз-чи?**

**ЎзМТДП ёшлари**



Сардор МУЛЛАЖОНОВ олган сурат

## "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида"

### кўрик-танловининг республика босқичида ёш сиёсий билимдонлар ижодий-интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини яна бир бор синовдан ўтказди

***Бугунги кунда ҳаётга катта орзу-мақсадлар билан кириб келаётган, мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, азму шижоатли, Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир ёшларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш долзарб вазифадир.***

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида "юртимизда ҳар йили 600 мингдан кўпроқ замон талабига жавоб берадиган ёш мутахассислар — камида икки-учта касб-ҳунарни, чет тилларни, Интернет ва ахборот технологияларини, замонавий билим чўққиларини эгаллаган, ривожланган давлатлардаги тенгдошлари билан беллашувга тайёр бўлган, кўзи ёниб турган йигит-қизларимиз бугун жамиятимизнинг ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучига айланиб, ҳаётга кирмоқда. Бизнинг энг катта суянчимиз ва таянчимиз бўлмиш ана шундай ёшларга, ана шундай беқиёс салоҳиятга эга бўлган халқни ҳеч қачон ўз йўлидан қайтариб, енгиб бўлмайди. Бунга барчамизнинг ишончимиз комил", деб алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, бундай юксак ишонч, эътибор ва имкониятлардан оқилона фойдаланаётган ёшларимиз барча соҳаларда салмоқли натижаларга эришмоқда. Эл-юрт равнақи йўлида ўз салоҳиятини, ташаббус ва фаоллигини намоён этаётир. Зеро, юксак интеллектуал салоҳиятга эга, ўз ишининг етук мутахассиси бўлган, элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ёшлар келажаги буюк мамлакатни барпо этишга қодир.

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижодиёт саройида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши томонидан ташкил этилган "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" интеллектуал кўрик-танловининг республика босқичида бу алоҳида таъкидланди.

> 2-бет.

**18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун**

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий ва Тошкент шаҳар кенгашлари ҳамкорлигида 18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан "Байроғимиз — озодлигимиз ва мустақиллигимиз рамзи" мавзусида тадбир ташкил этилди. Унда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиянинг Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, Республика дизайн коллежи ўқитувчилари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

## Давлат байроғи — озодлик ва мустақиллик рамзи

Тадбирда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев, Республика дизайн коллежи директори Шонасир Муродов давлатимиз рамзлари Ватанимиз суверенитети, халқимизнинг орзу-истаклари, эзгу интилишлари ва порлоқ келажаги тимсоли экани ва улар бугун ҳаётимиздан чуқур жой эгаллаб, ҳар биримизнинг ғурур ва ифтихоримизга айланганини таъкидлади.

> 2-бет.

**Депутат сўров киритди**

## Ҳунармандлик ривожланмоқда

### бунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси ҳам кўмакдош бўлаётир

***Қорақалпоқ кигиз ва наматларидаги безакларга ҳеч эътибор берганмисиз? Улар ўзига хос бўлиб, нақш техникаси ўзгача, аппликация йўли билан туширилади. Безакларнинг аксарияти тўлқин кўринишда. Бу жуда қадимий орнамент ҳисобланади ва сув рамзини ифодалайди. Натижада, қорақалпоқ ҳунармандлари яратаётган буюмлар киши руҳиятига вазминлик бағишлайди, мушоҳада юритишга чорлайди.***

Истиқлол шарофати билан ота-боболаримиз, момоларимиз тафаккури, турмуш тарзининг ҳосиласи бўлган ана шундай ноёб ҳунармандчилик намуналарини асраб-авайлаш, ушбу фаолият турини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, халқимизнинг асрий анъана ва орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Бу жараёнда ўз сайловолди Платформасида тарихий, маданий ва илмий-интеллектуал меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, бойитиш ва уларни янада кўпайтиришга кўмаклашишни алоҳида вазифа этиб белгилаган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам муносиб иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаоллигида ҳудудларда аниқ чора-тадбирлар, ташаббусларнинг амалга ошаётгани аҳоли ва электорат манфаатларини ҳимоялашга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги партия фракциясининг Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига киритган депутатлик сўрови ҳам ана шундай амалий ишлардан бири бўлди.

> 4-бет.

**Ушбу сонда:**

**Тадбиркор аёллар**
мамлакат иқтисодий ривожида етакчи кучга айланмоқда



> 3-бет.

**Денгиз ажойиботлари кўзгуси**
Монакода денгиз сатҳидан 85 метр баландликдаги тепаликда мовий денгиз ва океан ажойиботлари ҳақида маълумот берувчи Океаншунослик музейи жойлашган



> 7-бет.

**Марказий Осиёда ягона**
Тошкент политехника музейи иш бошлади



> 8-бет.



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!
Нашр кўрсаткичи — 158





MILLIY TIKLANISH
45 (366) 2015 йил 18 ноябрь, чоршанба

**18 ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун**

# Давлат байроғи — озодлик ва мустақиллик рамзи

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.



Бугунги тадбир Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда давлат рамзлари — байроқ, герб ва мадҳияни умуммиллий ғурур ва эҳтиром тимсоллари сифатида улуғлаш ва ардоқлаш, ёшлар ўртасида давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни тарғиб қилиш, мазмун-моҳиятини етказиш мақсадига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига асосан, "Ўзбекистон Республикаси қонун билан тасдиқланадиган ўз давлат рамзлари — байроқ, герби ва мадҳиясига эга". Давлат рамзлари тўғрисида қабул қилинган ҳар бир қонуннинг иккинчи моддасида шу муайян рамз давлат мустақиллиги белгиси экани алоҳида қайд этилган.

Албатта, давлат рамзлари — давлат мустақиллигини шартли равишда белгиловчи ташқи белги, нишона ва тимсоллардир. Улар мазкур давлатнинг тузуми, халқнинг табиати-менталитетини, иқтисодий асослари ва бошқа муҳим белгиларини англатади.

"Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонуннинг 2-3-моддаларида белгиланганидек, давлатимиз байроғи суверенитетимиз рамзидир. У расмий делегацияларимизнинг хорижий



мамлакатларга сафарлари чоғида, халқаро ташкилотларда, конференциялар, жаҳон кўргазмалари ва спорт мусобақаларида мамлакатимиз тимсоли ҳисобланади. Қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, фуқароларимиз, шунингдек, Ўзбекистонда турган бошқа шахслар давлатимиз байроғини ҳурмат қилишлари шарт ва унга беҳурматлик учун қонун доирасида жазо тайинланган.

Байроғимиз давлат идора ва ташкилотлари, таълим муассасалари, сарҳадларимизда баланд ҳилпирамоқда. Қуролли Кучларимиз сафига чақирилган, ҳарбий таълим муассасаларини тамомлаган ёшларимиз давлатимиз байроғи пойида Ватанни кўз қорачиғидай асраш, уни ўз шаъни ва номусидай муносиб ҳимоя қилишга қасамёд қилади.

Байроқ қадим-қадимдан Ватан озодлиги, миллат бирлиги ва ғалабаси тимсоли бўлиб келган. Байроғимиздаги ҳар бир ранг ва белгида халқимизнинг асрий анъаналари, миллий қадриятларимиз мужассам. Мовий ранг азалдан куч-қудрат, тинчлик, тенглик, беғуборлик ва донишмандлик тимсолидир. Оқ ранг поклик ва фаровонлик, халқимизнинг бағрикенглик ва оқ кўнгиллилиги ифодаси. Яшил ранг яшариш ва янгиланиш тимсоли, қизил чизиқлар томирларимизда жўшиб оқаётган ҳаётий қудрат — мангулик ифодасидир. Байроғимиздаги ярим ой ва ўн икки юлдуз тасвири озодлик, барқарорлик, келажакка ишонч, иймон-эътиқод тимсоли. Шарқда ўн икки рақам мукаммаллик рамзи саналган: ўн икки ой, ўн икки бурж... Соҳибқирон Амир Темур ҳам давлат бошқарувида раиятнинг ўн икки қатламига алоҳида эътибор қаратган.

Тадбир доирасида ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Умрзоқовнинг "Давлат рамзларининг ҳуқуқий асоси", ЎзР ФА "Қатағон қурбонлари хотираси" музейи катта илмий ходими Баҳром Ирзаевнинг "Байроқ — ҳурлик тимсоли, эзгулик ва тинчлик рамзи" мавзусидаги маърузалари тингланди. Бу каби тадбирлар ёшларда ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик, давлат рамзларига ҳурмат, ғурур ва ифтихор туйғуларининг янада ортиши, ҳуқуқий билимлари янада бойишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Республика дизайн коллежи ўқувчилари иштирокида "Давлат рамзлари — ёш рассомлар нигоҳида" танловининг якуний босқичи ўтказилиб, ғолиб ва совриндорлар ЎзМТДП томонидан муносиб рағбатлантирилди.

**Шокиржон ҚОРАБОЕВ,**
**тадбир иштирокчиси:**

— Давлатимиз рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога ғурур, фахр-ифтихор бағишлайди. Юртбошимиз таъкидлаганидек, озод Ўзбекистон фуқаролари учун мустақилликнинг муқаддас рамзлари — давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳияси азиздир. Шу боис, байроғимиз ёки гербимизга назар солганимизда ёки мадҳиямиз янграганда биз руҳан жўшқинликни, азму шижоатимиз ошганини, қалбимизда ғурур ва буюк истиқболга ишонч туйғусини ҳис этамиз. Айниқса, халқаро ареналарда давлатимиз байроғининг баланд ҳилпираганини, Ватан ҳимоясидек муқаддас бурчни мардона ўташ учун байроғимизни ўпиб қасамёд қилаётган ҳарбийларимизни кўрганимизда қалбимизда ватанпарварлик ҳисси жўш уради, шу юртнинг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиш истаги кучаяди. Бугунги тадбирда иштирок этиб, давлатимиз байроғининг қабул қилиниш тарихи, унинг ҳуқуқий асослари, давлат рамзларига ҳурмат кўрсатиш инсоний бурчимиз экани ҳақидаги билим ва тасаввурларимиз янада бойиди. "Давлат рамзлари — ёш рассомлар нигоҳида" танловида иштирок этган тенгдошларимиз ижод маҳсулидан катта таассурот олдик. Бу каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилиши ёшлар қалбига давлатимиз рамзларига нисбатан чуқур ҳурмат туйғуларини сингдиради, уларни улуғлаш ва ардоқлашга даъват этишга хизмат қилади. Зеро, давлатимиз рамзларининг муқаддаслигини, улар бизга элу юрт манфаати барча нарсадан устунлигини англатиб, эслатиб туришини ҳар бир ёш доимо ёдда тутиши лозим.

**Евгения ПИСМЕННАЯ,**
**тадбир иштирокчиси:**

— Инсон — мукаррам зот. Турли миллат вакиллари истиқомат қиладиган юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон омили, унинг бахт-саодатини кўзлаш мақсади мужассам экани ҳар биримизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шу билан бирга, мустақил давлатимиз ва жамиятимиз ҳаётида инсонпарварлик ғоялари тантанасига хизмат қилувчи умумэътироф этилган халқаро андозалар тобора устувор аҳамият касб этаётганини фахр билан қайд этамиз. Мен шу эътибор оғушида улғаяётган, билим олиб, ёруғ келажак сари дадил қадам ташлаётган ёшлардан бириман. Менинг бугун она Ватаним — Ўзбекистон, деб ғурур билан айтишга барча асосларим бор. Чунки бу юрт менга орзуларим рўёби учун имконият яратди, ижод қилиш бахтини берди. Давлатимиз мадҳияси янграганда ёки халқаро миқёсдаги мусобақаларда ғалаба қозонган спортчилар давлатимиз байроғини баланд кўтариб, ғолиблик нашидасини сурганда кўзимга ёш келади. Бу — Ватандан чексиз фахр-ифтихор туйғуси... Миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, Ўзбекистон халқи ва барча фуқароларнинг бирдамлигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг миллатлараро жипслик, ватанпарварлик, мамлакат тақдири учун масъулият ва дахлдорлик туйғусини ўстиришни мақсад қилган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўтказган бугунги тадбир ёшларнинг билим ва тафаккурини бойитиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Мамлакатимизда биз, ёшларга берилаётган улкан эътибор, ҳар томонлама камол топишимиз учун кўрсатилаётган чексиз ғамхўрликка муносиб бўлиш фарзандлик бурчимиз.

**Ш. МИРЗАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

---

**ЎзМТДП ёшлари**

# "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида"

**кўрик-танловининг республика босқичида ёш сиёсий билимдонлар ижодий-интеллектуал салоҳияти ва иқтидорини яна бир бор синовдан ўтказди**

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

ЎзМТДП ҳудудий партия ташкилотлари қошида тузилган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасида ташкил этилган кўрик-танловда ЎзМТДП Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари, "Ёшлар қаноти" етакчилари, танловнинг минтақавий босқичи ғолиблари, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Кўрик-танлов бир неча йиллардан буён, анъанавий тарзда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни бугунги кунда мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган сиёсий, иқтисодий-ижтимоий жараёнлар билан яқиндан таништириб бориш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партия ғоясини навқирон авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, фаол ва ташаббускор ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш ҳамда "Ёшлар қаноти" сафини мустақил фикрли ва етакчи ёшлар ҳисобига кенгайтириш мақсадида ташкил этиб келинмоқда. Бу йилги танлов ҳам чинакам билим ва маҳорат синови майдонига айланди.

Кўрик-танловни ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Жалолиддин Сафоев кириш сўзи билан очди.

— Замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштирган, дунёқараши кенг ва мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал салоҳиятга эга авлодни тарбиялаш Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишидир, — деди партия раиси ўринбосари. — Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишлар кўламининг кенгайишида муҳим омил бўлаётир. Партиямиз "Ёшлар қаноти" ҳам партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга кўмаклашиб келмоқда. Зеро, ЎзМТДП сайловолди Платформасида жисмонан соғлом, маънан етук авлодни тарбиялаш — миллий тараққиётимизнинг муҳим омилларидан бири сифатида белгиланган. Ёшларнинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, истеъдод ва қобилиятини юзага чиқаришга хизмат қилаётган кўплаб танлов ва фестиваллар қатори партия "Ёшлар қаноти"нинг "Ўзбекистондаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" лойиҳаси ҳам партия сафини соғлом, юксак маънавиятли авлод ҳисобига кенгайиб боришида муҳим аҳамият касб этаётир.

Танловнинг республика босқичида Хоразм вилоятининг "Сарбон", Бухоро вилоятининг "Парламент", Жиззах вилоятининг "Статус", Наманган вилоятининг "Нурли келажак" ҳамда Тошкент шаҳрининг "Пойтахт" жамоалари ўзаро беллашдилар.

Танлов низомига кўра, жамоалар "Ташриф карточкаси", "Куч — билим ва тафаккурда" ва "Ёшлар — мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси" шартлари асосида ўз маҳоратини намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлар ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Устави, Дастури ва сайловолди Платформаси юзасидан саволларга жавоб бериб, ҳуқуқий ва сиёсий билим даражасини намойиш этди. 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган лойиҳалар тақдимоти томошабинларда катта таассурот қолдирди. Уларда асосий эътибор миллий қадриятларимиз бешиги бўлган маҳалла ва оила институтини янада ривожлантириш, бу борадаги ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга қаратилди.

Айтиш жоиз, "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" кўрик-танлови партиянинг барча даражадаги ташкилотларида юқори савияда ташкил этилди. Унинг минтақавий босқичларида 140 дан ортиқ жамоа иштирок этиб, мингдан ортиқ истеъдодли ёшлар кашф қилинди. Кўрик-танловда иштирок этган ёшлар ЎзМТДП аъзоси бўлиш истаги ва хайрихоҳлигини билдираётгани ҳам унинг аҳамиятини яққол кўрсатиб турибди. Хусусан, бугунги кунда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сафида 200 мингга яқин партия аъзоси бирлашган бўлиб, уларнинг 52 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этади. Улар орасида давлат мукофотлари совриндорлари, турли стипендиялар соҳиблари, халқаро танловлар ғолиблари, мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлари, фаол, иқтидорли ва ташаббускор ёшлар бор. "Ёшлар қаноти"нинг 55 нафар аъзоси халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳи аъзоларидир.

Кўрик-танлов жараёнида жамоалар тақдим этган лойиҳалар экспертлар томонидан атрофлича муҳокама этилди, тегишли тавсиялар берилди. Таклиф ва хулосалар асосида партия "Ёшлар қаноти"нинг келгусидаги вазифалари белгиланди.

Қизғин ва муросасиз ўтган баҳслар якунида ҳакамлар ҳайъати ғолибларни аниқлади. Якуний натижаларга кўра, Бухоро вилоятининг "Парламент" жамоаси биринчи, Тошкент шаҳрининг "Пойтахт" жамоаси иккинчи, Хоразмнинг "Сарбон" жамоаси учинчи ўринни қўлга киритди.

## Таассурот ва хулосалар

**Ҳамдам НИЁЗОВ,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони ёшлар масалалари бўлими бош мутахассиси:**



— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида партия кенг билимли, эркин фикрлайдиган, қарашларида миллий ғоямизга таянган, ўз ҳаёт тарзи билан миллий-маънавий қадриятларга, ватанпарварлик ва инсонпарварлик ғояларига садоқатли ёшларни тарбиялаб, вояга етказишни ўзининг асосий бурчи деб билиши алоҳида белгиланган. ЎзМТДП халқимизга ёт ва ёш авлод онги учун зарарли "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ёшларни муҳофаза қилиш мақсадида уларни миллий тикланиш ғояси, миллий маданият ва қадриятларни эъзозлаш руҳида тарбиялаш тарафдори. Бугунги кунда партия "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли лойиҳалардан кутилган асосий мақсад ҳам ЎзМТДП атрофига ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор ёшларни жамлаш, партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда навқирон авлод кўмагига таянишдан иборат.

Партия "Ёшлар қаноти" ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келаётган "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасидаги "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танлови ўз қўллаб-қувватловчилари ва иштирок этувчилари сафи йилдан-йилга кенгайиб бораётган лойиҳалардан бирига айланди. Ушбу лойиҳа истеъдодли, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни аниқлаш, партия сафини навқирон авлод ҳисобига янада кенгайтириш ҳамда партиянинг кадрлар захирасини салоҳиятли ёшлар билан таъминлашга хизмат қилишга интилаётир.

**Бурхон ШАРОПОВ,**
**кинорежиссёр, ЎзМТДП фаоли, ҳакамлар ҳайъати аъзоси:**



— Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Баркамол авлодни ҳар томонлама етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар бугун ўз натижасини бермоқда, халқаро ҳамжамият эътирофига сазовор бўлмоқда. Буни бугун ёшларимиз эришаётган ютуқ ва натижалар мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин. Кўрик-танловда иштирок этган жамоаларнинг ўзига бўлган ишончи, сиёсий-ҳуқуқий билимдонлиги, саҳна маданиятини пухта ўзлаштирганини кўриб, юртимиз келажаги ишончли қўлларда экани, партиямиз сафи кундан-кунга фаол ва ташаббускор ёшлар ҳисобига кенгайиб бораётганига амин бўлдик. Жамоалар қизғин баҳс-мунозарага киришиб, партиявий, ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимларини яна бир бор синовдан ўтказди.

Бир сўз билан айтганда, ушбу танлов ёшларнинг мамлакат тараққиёти йўлида бирлашишига, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини янги босқичга олиб чиқишга, жамоат ишларидаги фаоллиги ва ташаббускорлигини рағбатлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Гулноза САТТОРОВА,**
**Бухоро вилоятининг "Парламент" жамоаси аъзоси:**



— Юртбошимизнинг "Маррани доим баланд қўйиб яшанг, азиз болаларим!" деган даъвати бизни ҳамиша изланишга, ташаббускорликка чорлайди. Шу боис, ўз минтақамизда ғолиб бўлиб, кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланма олганимизда Бухоро вилояти шаънини муносиб ҳимоя қилишни мақсад қилгандик. Мамлакатимизнинг турли ҳудудидан келган партиядошларимизнинг тажрибаси, билим ва маҳоратидан ҳам муайян даражада хабардор эдик. Шу боис танловга жиддий тайёргарлик кўрдик. Ғалвирни сувдан кўтариш палласи — ўқиш ва изланишларимиз самарасини намойиш этадиган фурсатда бор куч ва имкониятимизни ишга солдик.

"Ёшлар — мустаҳкам оила ва бахтли келажак иштирокчиси", деб номланган шартда Кексаларни эъзозлаш йилига бағишланган саҳна кўринишини намойиш этдик. Унда кексаларга иззат-ҳурмат кўрсатиш халқимиз маънавий қадриятларининг бир бўлаги экани ҳақида сўз юритилиб, айрим оилаларда бу борада учраётган нуқсон ва камчиликлар жиддий танқид остига олинди. Кўрик-танлов биз ёшларда ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этиш, жойлардаги мавжуд масалаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва уларнинг ечими юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш кўникмасини шакллантирди. Лекин биз фақат ана шу натижа билан чекланиб қолмоқчи эмасмиз. ЎзМТДП сафида туриб, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларда фаол иштирок этиш, партия ёшларининг билим ва маҳоратини янги ва таъсирчан лойиҳалар воситасида намоён этиш асосий мақсадимиздир.

**Чарос АХМАТОВА,**
**Жиззах вилоятининг "Статус" жамоаси аъзоси:**



— Кўрик-танловга тайёргарлик кўриш жараёнида сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни янада бойитдик, ЎзМТДП сайловолди Платформаси, дастурий мақсад-вазифаларини пухта ўзлаштирдик. "Ташриф карточкаси" шартига бироз ноанъанавий ёндашишга ҳаракат қилдик. Жиззах вилоятидаги ўзгаришлар, янгиланиш ва бунёдкорлик ишлари, турли соҳаларда олиб борилаётган ишларни видеоролик воситасида намойиш этиб, бу ислоҳотларда ЎзМТДП ҳам муносиб иштирок этишга интилаётганини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Ким бўлишимиз ёки касбимиздан қатъий назар ҳаммамизни миллий тикланиш ғояси бирлаштиришини саҳна кўриниши воситасида акс эттирдик. Танлов — ўз номи билан танлов. Бугун бизга бироз омад етишмади. Рақибларимиз ҳам ҳар жиҳатдан фаол ёшлар экан. Вилоятлардаги ёш маслакдошларимиз билан тажриба алмашиб, дўстлик ришталарини боғлашга имкон яратган кўрик-танлов партиямиз ҳаётида ўз самарасини кўрсатиши ва унда иштирок этган ёшлар ЎзМТДПнинг мустаҳкам таянчига айланиши шубҳасиз.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Илмий-амалий конференция

# Тадбиркор аёллар

## мамлакат иқтисодий ривожида етакчи кучга айланмоқда

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши "Аёллар қаноти" Савдо-саноат палатаси, "Ҳунарманд" уюшмаси, бир қатор тижорат банклари ҳамкорлигида мамлакатнинг иқтисодий ривожида тадбиркор аёлларнинг роли: "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини дунёга янада кенг танитиш мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи вакиллари, Ўзбекистон Миллий университети профессор-ўқитувчилари, оилавий тадбиркорлар, ҳунармандлар, коллеж битирувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

Конференцияда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳанифа Зокирова истиқлол йилларида мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш, либераллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, юртимиз дунёнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлари қаторидан муносиб жой олишга интилаётганини таъкидлади. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишлаб чиқариш корхоналарига имтиёз ва преференциялар берилиши натижасида халқимизнинг турмуш фаровонлиги ошиб, мамлакатимиз саноати, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остидаги маҳсулотлар нуфузи ва сони ортиб бормоқда. Партия ташкил этган илмий-амалий конференция ҳам Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг сайловолди Платформасида белгиланганидек, аҳолининг электорат қисми бандлиги, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, уларни иш билан таъминлашни кенгайтиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга кўмаклашиш мақсадини кўзлагани билан аҳамиятлидир.

— Иқтисодиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар туфайли оилавий тадбиркорлик, касаначилик ҳамда халқ амалий санъати соҳаси ривожида хотин-қизларнинг иштироки кенгайиб бормоқда, — деди конференцияда маъруза қилган ЎзМТДП фракцияси аъзоси Мухтабар Ҳусанова. — Айниқса, "устоз-шогирд" анъанаси қайта тикланиб, йўлга қўйилгани халқимизнинг асрлар оша етиб келган миллий ҳунармандчиликнинг аёлларга хос турлари ривожланишида, янги иш ўринларининг яратилишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимиздаги мавжуд тижорат банклари томонидан хотин-қизлар тадбиркорлигини йўлга қўйиш ва ҳар томонлама ривожлантириш учун ажратилаётган кредитлар ҳажми йилдан-йилга ортиб бораётир. Жумладан, 2007 йилда хотин-қизларга берилган жами кредитлар миқдори 90,1 миллиард сўм бўлган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 1 триллион сўмдан ортиқни ташкил этди. 2015 йил биринчи чорагининг ўзидаёқ, республика тижорат банклари томонидан аёлларга 314,3 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, 50 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди. Кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи нуфузини янада ошириш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг иқтисодий соҳадаги устувор мақсад-вазифалари сирасига киради. Партия сайловолди Платформасида ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ишлаб чиқаришга йўналтирилмаган харажатларни қисқартириш, янги, замонавий технологияларни жорий этиш, маҳаллий саноат самарадорлигини янада ошириш каби устувор вазифалар белгиланган. ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, сайловолди Платформасини амалга ошириш, бу борадаги илмий изланишларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилган семинар ҳам соҳа вакиллари, партия фаоллари ҳамда тадқиқотчилар учун аҳамиятли бўлиши шубҳасиз.





Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида иқтисодиёт соҳасида ўз олдига қўйган мақсад-вазифаларни бажариш мақсадида муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқда. Хусусан, партиянинг биргина "Банк кредитлари — ҳунармандларга" лойиҳаси доирасида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватланмоқда, оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашилмоқда. Бугунга қадар лойиҳа доирасида 10 миллиард сўмдан ортиқ имтиёзли банк кредитлари ажратилиб, 500 дан зиёд ҳунарманд ва оилавий тадбиркор ўз фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда кенгайтиришга эришдилар. Қувонарлиси, имтиёзли кредит олганларнинг аксариятини хотин-қизлар ташкил этади. Бунда лойиҳа доирасида ўтказилаётган семинарларда иштирокчиларга имтиёзли кредит олиш шартлари, унинг ташкилий ҳамда юридик жиҳатлари, дастлабки маблағлар эвазига оилавий тадбиркорликни ташкил этишнинг ҳуқуқий механизмлари борасида берилаётган таклиф ва тавсиялар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда, шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудида енгил ва ихчам тўқимачилик корхоналарининг сонини кўпайтириш, ишлаб чиқариш жараёнини техник ва технологик янгилаш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида жаҳон бозорига маҳсулот етказиб беришни кенг йўлга қўйиш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда ЎзМУ ижтимоий фанлар факультети декани, сиёсий фанлар доктори Алишер Мўминов, тарих фанлари номзоди Дилфуза Ҳабибуллаева, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси бўлими бошлиғи Гулнора Муродова, "Ҳунарманд" уюшмаси раиси ўринбосари Лутфия Мирзаеванинг долзарб мавзудаги маърузалари тингланди.

Конференция доирасида ташкил этилган кўргазмада оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчилик билан шуғулланаётган хотин-қизлар ўз маҳсулотларини намойиш қилдилар.

Тадбир якунида ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган 20 нафар коллеж битирувчисига тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.

**Гулноза СОТИМБОЕВА, оилавий тадбиркор:**

— 2000 йилдан буён қоракўл терисидан кийим-кечак тикишни йўлга қўйганмиз. Маҳсулотларимизга талаб йилдан-йилга ортиб, фаолиятимиз ҳам кенгайиб бормоқда. Мамлакатимизда оилавий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, улар учун имтиёз ва преференциялар бериш бизни янги ғоялар устида ишлаш, аҳолига сифатли маҳсулотларни етказишга рағбатлантирмоқда. Мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ташкил этилган кўргазмаларда иштирок этиш имконига эга бўлдик. Бугун маҳсулотларимиз "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" ёрлиғи остида кўплаб мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ташкил этган бугунги илмий-амалий конференция воситасида маҳсулотларимизни яна бир бор намойиш этдик, оилавий тадбиркор, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга яратиб берилаётган янги имкониятлар, шарт-шароитлар, ҳуқуқий асослар билан танишдик. Ундан олган ҳам амалий, ҳам назарий билим ва кўникмаларимиздан иш фаолиятимизда унумли фойдаланишга ҳаракат қиламиз.

**Зебо НИҒМАТЖОНОВА,**
**ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони етакчи мутахассиси**

"Конституция — суверен ва демократик давлат пойдевори" танловига

# Миллий қадриятларимизнинг ҳуқуқий кафолати

***Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан "Кексалар доимо эъзозимизда" лойиҳаси доирасида "Балли, бувижонлар" кўрик-танловини ўтказиш учун Тошкент вилоятининг Бекобод шаҳрига йўл олар эканмиз, тадбир дастурини яна бир бор кўздан кечирдим. "Кўрик-танлов кўнгилдагидек ўтадими, тадбирдан кўзланган мақсадга эриша оламизми, танлов орқали одамларнинг партия дастурий мақсад ва вазифаларига ишончини қай даражада орттира оламиз?", деган саволлар хаёлимдан кечар, кўнглимда бироз хавотир ва ҳаяжон ҳам йўқ эмасди.***

Танлов шартлари ҳам ўзига хос. "Миллий қўшиқлар бувижонлар талқинида", "Оқила бувижонлар тажрибаси — ёшларга ибрат намунаси", "Ҳар кексада — бир нақл" каби шартлар иштирокчи бувижонларнинг оила тинчлиги ва мустаҳкамлигини сақлаш, комил фарзандни тарбиялаш, юрт фаровонлиги ва тараққиётига хизмат қиладиган ҳаётий тажрибаларини тўлақонли очиб беришга имкон бериши аниқ. Кутганимиздек, иштирокчиларнинг ҳар бири ибратли оила соҳибаси, меҳнати, билими ва тажрибаси билан жамиятда ўз ўрнига эга онахонлар экан. Масалан, кўрик-танлов қатнашчиларидан бири 63 ёшли Дилором ая Султонова узоқ йиллар мактабгача таълим муассасасида ишлаган, ўғил-қизлари олий маълумотли, касб-корли, ҳатто набираларини ҳам уй-жойли қилишга улгурган. Онанинг фарзандлари камоли, шогирдлари ҳақида фахр ила сўзлаб бергани иштирокчилар ҳавасини уйғотди. Унинг айтишича, мактаб кўрмаган бўлса-да, лекин ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, қаҳатчилик йилларини бошдан кечирган қайнонасидан оилада тинчлик ва тотувликни сақлаш, оқил фарзандларни тарбиялаш, қариндошлик ришталарини мустаҳкамлашда ўрганганларининг чеки йўқ. Ўрганганлари эса ҳаётининг ҳар бир дақиқасида асқотаётганлигини фахр билан сўзлагани иштирокчиларни бефарқ қолдирмади.

Кўрик-танлов баҳонасида фарзанду набиралар бахтидан қувончда яшаётган, шукроналик дилию тилида балқиб турган Дилором ая каби онахонлар ҳаёти билан чуқурроқ танишар эканмиз, меҳр, ўзаро ҳурмат ва оқибат кўрғони бўлган оиланинг ҳаётимиздаги ўрни нечоғлик муҳимлиги, унинг бебаҳо қадрият эканига ишончимиз янада ортди. Ҳар бир инсон учун Ватан ичра мўъжаз ватан саналган оила, унинг халқимиз қон-қонига сингиб кетган бeқиёс қадриятлари, жумладан, каттага ҳурмат кичикка иззат, баҳамжиҳатликда иш кўриш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш каби тушунчаларни ҳеч қандай моддият билан ўлчаб бўлмайди. Боиси, ўзбек халқи учун оила нафақат тарихий-ижтимоий ва миллий ҳодиса, балки мамлакатнинг Бош қомусида белгилаб қўйилган қатъий меъёр ҳамдир. Яъни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" деб белгилангани замирида чинакам ўзбекона қадриятларнинг қонуний кафолати мужассам.

Асосий қонунимизга мувофиқ, оила жамиятнинг асосий бўғини, халқона қадриятларимизга кўра, аждодлар ва авлодлар ўртасидаги ришталарни боғловчи мустаҳкам кўприк. Хонадон соҳиблари, оиланинг ёши улуғлари оилавий анъаналар бардавомлилигини сақлашда таянч устунлардир. Уларнинг йиллар синовида тобланган бой ҳаётий тажрибаси, оқил ва доно маслаҳати ёш авлод учун ўрнак ва намуна. Ёши улуғ нуронийларнинг ўгит ва насиҳатлари ёшларга ҳаётнинг оқу қораси, пасту баландини англашда, тўғри йўл топишда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда кексаларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Давлатимиз Бош қомусининг 66-моддасида "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар", деб белгилаб қўйилган. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йилида қабул қилинган Давлат дастурига мувофиқ, 100 ёшдан ошган кексаларнинг пенсиясига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида устама белгилангани, иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий телевизорлар ва мобиль алоқа воситаси билан бепул таъминлангани, кексаларнинг ижтимоий, тиббий муҳофазаси кучайтирилаётгани бу борада амалга оширилаётган ишларнинг ёрқин намунасидир. Улуғларини эъзозлаган юртнинг ҳаёти тинч-осойишта, турмуши эса обод ва фаровон бўлиши асрий синовлардан ўтган ҳақиқат.

Дарвоқе, "Балли, бувижонлар" кўрик-танлови орқали бекободлик бувижонлар орасидан энг намуналисини саралаб олиш партия фаоллари учун анча қийин кечди. Чунки, оқила, доно, оиласига садоқатли, намунали хонадон соҳибаси бўлган ҳар бир иштирокчи ғолибликка муносиб эди.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида кексаларга ҳурмат, ўзаро ҳамжиҳатлик, болаларга ғамхўрлик жамиятдаги маънавий қадриятларнинг муҳим манбаи сифатида эътироф этилиб, мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтиришга кўмаклашиш муҳим вазифа қилиб белгиланган. Бундай дастурий мақсад-вазифалар маънавий-ахлоқий тарбия макони бўлган оиладаги бирдамликни таъминлаш, ҳаётни мазмунли ўтказиш, ўзидан яхши ном қолдириш, баркамол фарзандлар тарбиялаб вояга етказишдек эзгу мақсадларга, конституциявий меъёрлар ижросига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Феруза РЎЗИЕВА,**
**ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши етакчи мутахассиси**

Хроника

# Аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллиги

## партия тадбирларининг бош мавзусига айланди

### Қорақалпоғистон

ЎзМТДП Мўйноқ туман кенгаши "Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг вазифалари" мавзусида тадбир ўтказди.

— Бугун мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида рўй бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнида фуқаролар сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга кўмаклашиш олдимизда турган устувор вазифалардан саналади, — деди Мўйноқ туман хотин-қизлар қўмитаси раиси К.Носирова. — Фуқароларнинг онги ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш дастури" муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда, шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга партиядан сайланган депутатлар ҳамда партия гуруҳларининг ўрни ва роли беқиёс эканлиги таъкидлаб ўтилди.

### Жиззах

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Арнасой туман кенгаши "Ярашув — миллий анъаналаримизга хос ҳаётбахш қадрият" мавзусида ўқув-семинар ташкил этди. Унда ЎзМТДП Арнасой туман кенгаши аъзолари, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Баркамол авлод" болалар маркази ходимлари иштирок этди.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва урф-одатларини ўзида акс эттирган, унга хос бўлган мурувват, кечиримлилик, инсонпарварлик ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатларнинг суд амалиётига жорий этилиши устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Партия, шунингдек, жиноий қонунчиликни янада либераллаштириш ва инсонпарварлаштириш, айрим жиноятларни дикриминализациялаш сиёсатини давом эттириш, маъмурий судлов соҳасига ярашув институтини жорий этиш тарафдори. Партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиқиб ташкил этилган семинар ЎзМТДПнинг мана шундай ғоялари тарғиботи ва рўёбига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

### Фарғона

ЎзМТДП Қўштепа туман кенгаши "Аёллар қаноти" миллий ўйинчоқларнинг ёшлар онгига таъсирини ўрганиш лойиҳаси асосида ҳунармандлар ўртасида "Миллий ўйинчоқлар" фестивалини ташкил этди.

Тадбирда ЎзМТДП Қўштепа туман кенгаши аъзолари, "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" етакчилари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, ҳунармандлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари иштирок этди.

— Болалар ўйинчоқлари — халқ ҳаётини бевосита акс эттирувчи, унинг маънавий қадрият ва миллий-маданий анъаналари ҳамда тажрибасини асрлар давомида аждодлардан авлодларга етказувчи асосий бадиий воситадир, — деди ЎзМТДП Қўштепа туман кенгаши раиси Ш.Ғозиев. — Айтиш керакки, ўз қарашларида миллий ғояга таянган, миллий-маънавий қадриятларга садоқатли ёшларни камол топтириш ЎзМТДП сайловолди Платформасида устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. "Миллий ўйинчоқлар" фестивали ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадбир доирасида ташкил этилган миллий ўйинчоқлар кўргазмаси иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Фаол ҳунармадларга ЎзМТДП Қўштепа туман кенгашининг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

### Сурхондарё

ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" ташаббуси билан "ЎзМТДП "Ёшлар қаноти" фаолиятига замонавий сиёсий технологияларни жорий қилиш масалалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Таъкидланганидек, истиқлолнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда навқирон авлод вакилларига алоҳида эътибор қаратилиб, ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга ном берилиши ва шу муносабат билан кенг қамровли Давлат дастурининг амалга оширилишида ҳам ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу жараёнда партия "Ёшлар қаноти" ҳам муносиб иштирок этишга интилаётир.

Давра суҳбатида "Ёшлар қаноти" эришган натижалар ва фойдаланилмаётган имкониятларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Ёшлар қаноти"нинг навқирон авлод ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган келгусидаги вазифалари белгилаб олинди.

### Наманган

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши "Миллий қадриятлар — миллат бешиги" мавзусида тадбир ташкил этди.

— Бугунги глобаллашув даврида миллий ўзликни сақлаш, маънавиятни юксалтириш, фидойи, ватанпарвар ва баркамол авлодни тарбиялаш — долзарб вазифа, — деди ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши раиси Одилжон Мамадалиев. — Бу партия дастурий мақсадларига ҳар жиҳатдан мос ва уйғунлиги билан ҳам янада аҳамиятлидир.

Эътироф этилганидек, маънавиятимизни юксалтиришда миллий урф-одат ва анъаналаримиз ҳамда уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч-осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли масалаларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. ЎзМТДП ўтказаётган бу каби тадбир, лойиҳа ва фестиваллар миллий қадриятлар ривожида муҳим ўрин тутади.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

MILLIY TIKLANISH
45 (366) 2015 йил 18 ноябрь, чоршанба

Демократик кучлар блоки

# Аҳоли бандлиги — фаровонликнинг муҳим омили

### 2016 йилги бандлик дастури лойиҳаси муҳокама қилинди

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.



Дастурда аввал яратилган иш ўринларининг барқарорлигини таъминлаш, яъни уларни сақлаб қолиш, дунёда кечаётган иқтисодий ўзгаришлар ва уларнинг меҳнат ресурсларига таъсирини эътиборга олган ҳолда ишга жойлаштириш бўйича ҳам аниқ мақсадли чора-тадбирлар ўз аксини топган. Дастур лойиҳасига кўра, 2016 йилда барча йўналишларда жами 992,7 минг, шундан 511,5 минг коллеж ва олий ўқув юртлари битирувчиларининг бандлиги таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда блок аъзолари ўз партиялари дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорати манфаатларидан келиб чиқиб, фикр-мулоҳаза ва таклифларини билдирдилар. Мазкур дастур аҳолини иш билан таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлари ва механизмларини такомиллаштириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни янада қўллаб-қувватлаш ҳамда иқтисодиётнинг барча соҳаларида ёшлар, аёлларнинг ишга жойлашиши ва бандлиги масалаларининг ҳал этилишида муҳим ўрин эгаллашини эътироф этдилар. Дастурнинг ижроси, айниқса, кичик бизнес, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби мақсадларга эришиш учун мустаҳкам замин яратади. Шунингдек, қабул қилинган қонун ҳужжатларига асосан максимал даражада қулай тадбиркорлик муҳитини яратиш, кичик бизнес субъектларига кредит ва хом ашё ресурслари ажратилишини таъминлаш асосида миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришга ҳам йўналтирилган.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 15 майда қабул қилинган фармонига мувофиқ хусусий мулкчиликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция иқлими ва тадбиркорлик муҳитини янада такомиллаштириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилиши белгиланган. Бу борада келгуси йилда якка тартибдаги тадбиркорлик ва бошқа кичик бизнес субъектлари учун кредитлашнинг юқори даражаси сақлаб қолинади — тижорат банклари томонидан 13,1 триллион сўм маблағ ажратилиши, бунда имтиёзли кредит ресурслари асосан, олис қишлоқ ҳудудларида иш ўринлари яратишни назарда тутувчи лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Йиғилишда депутатлар дастурда туризм ва сервис хизматлари кўрсатиш, миллий ҳунармандчиликни янада ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилишига оид жиҳатларга алоҳида эътибор қаратдилар. Жумладан, туризм соҳасидаги алоҳида хизматларни ривожлантириш ҳисобига 2016 йилда қўшимча 10 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратиш кўзда тутилганлиги лойиҳанинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида баҳоланди. ЎзМТДП фракцияси аъзолари туризм ҳамда миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини ривожлантириш ҳисобига янги иш ўринларини яратиш партия дастурий вазифалари билан ҳамоҳанг эканлигини, электорат манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидладилар.

Демократик кучлар блоки йиғилиши давомида маърузачи Б.Низомов дастур ижросини таъминлаш, яратилган иш ўринлари устидан назорат ўрнатиш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси ҳамкорликда муайян чора-тадбирлар олиб боришини таъкидлаб, мониторинг ишлари самарадорлигида депутатларнинг фаолияти, иштироки хусусида ҳам тўхталиб ўтди. Бу борада депутатлар сайловчилар билан учрашувлари чоғида аҳоли бандлиги, дастур ижроси масалаларига алоҳида эътибор қаратишлари лозимлигини таъкидладилар. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг ўз мутахассисликлари бўйича бандлигини таъминлаш юзасидан мониторинг юритилишини қаттиқ назоратга олиш зарурлиги қайд этилди.

Йиғилиш давомида блок аъзолари 2016 йил дастур лойиҳасида белгиланган иш ўринларининг ташкил этилиши механизмлари, унинг мониторинги юзасидан фикр-мулоҳаза ҳамда таклифлар билдирди.

Йиғилиш сўнгида дастур лойиҳасини маъқуллаш ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисига киритиш юзасидан Демократик кучлар блокининг қарори қабул қилинди.

**Шерзод ҚУЛМАТОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:**
— Дастур лойиҳасида кўзда тутилаётган мақсад-вазифалар ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, аҳоли турмуш сифати ва қулайликларини ошириш каби дастурий вазифалар билан ҳамоҳанг ва уйғундир. Кучли иқтисодиёт ва халқ фаровонлиги эса бевосита аҳолининг иш билан бандлигига бориб тақалади. Бу борада партиямиз, биринчи навбатда, хотин-қизлар ва ёшлар учун ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантиришга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитларни яратишга кўмаклашишни мақсад қилган. Келгуси йил учун мўлжалланаётган бандлик дастурида мазкур соҳаларда қатор янги иш ўринлари яратилиши, имтиёзли кредитлар эвазига оилавий тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш, аҳоли бандлигини таъминлаш кўзда тутилаётгани эътиборга молик.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат минбари

# Ёшлар фаоллигини ошириш

### улар иқтидорини рўёбга чиқариш жараёнида ЎзМТДП гуруҳларининг иштироки — долзарб масала

***Бугунги кунда мамлакатимиз аҳолисининг 60, ЎзМТДП умумий аъзоларининг 52 фоизини ёшлар ташкил қилади. Бу рақамлар навқирон авлод вакиллари жамиятимизда етакчи куч эканлигини яққол намоён этади. Шу боис партия сафига ёшларни янада кенгроқ жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимлари, дунёқарашини бойитиш ҳамда уларда фаол фуқаролик позициясини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга.***

Бунинг учун, энг аввало, бугунги ёшларнинг орзу-интилишлари, ташаббус ва ғояларини қўллаб-қувватлаш, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариш, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини рағбатлантириш зарур бўлади. Айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, уларни мамлакатимизда ва дунёда бўлаётган ўзгаришлардан бохабар этиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш орқали юрт тақдирига дахлдорлик туйғусини кучайтириш бу борада муҳим аҳамиятга эга.

ЎзМТДП сайловолди Платформасида навқирон авлод вакилларини "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилиш, китобга муҳаббат ва ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялаш, уларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига кўмаклашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ишига кўмаклашиш каби бир қатор аниқ вазифалар белгиланган. Шу боис бу борадаги мақсад-вазифаларни самарали амалга оширишда халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ҳам фаол иштирок этишга интилмоқда. Ёшларимизнинг жисмоний ва маънавий-ахлоқий ривожланишига зарар етказадиган таъсирлардан ҳимоялаш мақсадида партия гуруҳи тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиб, шаҳардаги таълим масканлари, маҳаллаларда давра суҳбатлари, мулоқотлар уюштириб келаяпти. Бу жараёнда ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани тадбирлар, амалий ишлар самарадорлиги, таъсирчанлигини оширмоқда. Айниқса, партия "Ёшлар қаноти" билан биргаликда интеллектуал, сиёсий салоҳиятга эга бўлган истеъдодли, ташаббускор ва ташкилотчи ёшларни аниқлаш мақсадида "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби аъзолари ўртасида "Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида" республика кўрик-танлови, "Алла", "Миллий ўйинчоқлар", "Миллий халқ ўйинлари" фестиваллари, турли маънавий-маърифий тадбирлар ёшларимизда катта қизиқиш уйғотмоқда. Шунингдек, партия гуруҳимиз бу борада яна бир ташаббусни илгари суриб, амалий натижага эришди. Шаҳримиздаги таълим муассасаларида 10 дан ортиқ спорт тури бўйича мусобақалар ташкил этиб, ғолибларни нафақат тақдирлаш, балки уларга ҳудудимиздаги спорт мажмуаларидан фойдаланишда қўшимча имтиёзлар яратишни йўлга қўйди.

Бундан ташқари, таълим масканларида маҳаллий Кенгаш депутатлари билан мустаҳкам алоқанинг йўлга қўйилгани ёшларимизни қизиқтираётган кўплаб масалаларга ечим топишга ёрдам бермоқда. Шаҳримиздаги умумтаълим мактаблари ва коллежларда "Депутатга мурожаат" бурчаги ташкил этилган бўлиб, унга ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида атрофлича маълумотлар, депутатнинг қабул кунлари, иш режаси ва бошқа ахборотлар жойлаштирилган. Бу ишларнинг тизимли равишда олиб борилаётгани халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП депутатларининг сайловчи ишончини оқлаши, самарали фаолият кўрсатиши, айниқса, ёшлар орасида турли масалаларга ижобий ечим топишида муҳим омил бўлмоқда.

Мухтасар айтганда, халқнинг ишончли вакили сифатида Олий Мажлис ҳамда маҳаллий Кенгашларда фаолият юритаётган депутатларнинг ўз сайлов округидаги аҳоли, айниқса, ёшлар билан кўпроқ учрашувлар, мулоқотлар ташкил қилиши, уларнинг орзу-ўйлари, фикрларини ўрганиб, вакиллик органларида ифода этишга интилиши кўплаб амалий ишларга йўл очади, ёш авлодни янги марралар сари қадам ташлашга руҳлантиради. Қолаверса, бундай бевосита учрашувлар ёшларга ўз билимини бойитиб бориш билан бирга ёш авлод камолоти йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларнинг қадрига етиш, уларнинг моҳиятини теранроқ англаш имконини беради.

**Исроил ҚУДРАТОВ,
халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат, Олий Мажлис Сенати аъзоси**

Қўмита йиғилиши

# Электрон ҳукумат тизими

### жамиятнинг барча соҳасида кенг имкониятлар яратади

***Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ва татбиқ қилиш жараёнлари жамият ривожида муҳим аҳамиятга эга. Айнан замонавий ахборот-коммуникация воситаларидан фойдаланиш давлат органларининг фаолияти янада очиқ бўлишига имкон беради, муҳим бошқарув жараёнларида фуқароларнинг фаол иштирок этиши учун шароит яратади.***

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган "Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонуни лойиҳаси: эксперт ҳамжамиятлар таклифлари" мавзусидаги конференцияда шу ҳақда сўз борди.

Таъкидланганидек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўриб чиқаётган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳасини экспертлар иштирокида муҳокама этиш, уни мукаммаллаштириш ҳамда такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар олиш муҳим аҳамият касб этади.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш ва жорий этишда Президентимизнинг 2013 йил 27 июндаги "Ўзбекистон Республикасида Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чоралари тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилгани "Электрон ҳукумат" тизимини жорий этишнинг асосий йўналишларини белгилаш, давлат органлари фаолиятида ахборот технологияларидан фойдаланишни кенгайтириш, фуқаролар, ташкилотлар, чет эл фуқаролари билан ўзаро муносабатлар, давлат бошқаруви фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шаффофлик ва очиқликни таъминлашга хизмат қилади.

— Мазкур қонун лойиҳаси давлат органлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш, юридик ва жисмоний шахсларга электрон давлат хизматлари кўрсатилишини яхшилаш, жамият ҳаётининг турли соҳалари (соғлиқни сақлаш, таълим, иш билан бандлик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояси, турар-жой, коммунал хўжалиги, савдо ва бошқалар)да ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни кенгайтиришга хизмат қилади, — деди тадбирда маъруза қилган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Тўхтабоев. — Бундан ташқари, қабул қилинадиган қарорларнинг тезкорлиги ва сифатини ошириш, давлат бошқарувида харажатларни қисқартириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан саналади. "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилиниши билан шу каби масалалар ижобий ечим топади.

Тадбирда мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида хорижий мамлакатлар, жумладан, АҚШ, Корея Республикаси, Германия, Финляндия, Австрия ва бошқа давлатлар тажрибаси кенг ўрганилгани эътироф этилди. Шунингдек, қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш мақсадида мутахассисларнинг таклиф ва тавсияларини ўрганиш юзасидан экспертлар муҳокамаси амалга оширилди.

Қонун лойиҳаси нормалари муҳокама қилиниб, унинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

**Умида ЭРГАШАЛИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Депутат сўров киритди

# Ҳунармандлик ривожланмоқда

### бунда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси ҳам кўмакдош бўлаётир

- ***Халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига депутатлик сўрови киритди***
- ***2014 йил давомида 125 корхонада касаначилик асосида 3,5 мингдан зиёд иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг уч ойида яна 800 га яқин ҳунарманд доимий иш ўрнига эга бўлди***

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Унда ҳудудда миллий ҳунармандчиликни янада равнақ топтириш орқали аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Тўғри, мазкур масалада вазирлик томонидан бир қатор амалий саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда, бироқ ЎзМТДП депутатларининг асосий мақсади — уй шароитида қадимий, унутилиб кетаётган ҳунармандчилик намуналарини яратаётган якка тартибдаги тадбиркорлар меҳнатини юзага чиқариш ва бу эзгу ишларнинг доирасини кенгайтириш. Бунда шу йўналишдаги корхона ва ташкилотларга йўналтирилган касаначи, ҳунармандлар доимий иш билан таъминланади, улар учун меҳнат дафтарчалари юритилади, ўз навбатида, нодир ҳунармандчилик намуналари ҳам бойиб боради.

— Юртимизда ҳунармандчилик соҳасини ривожлантиришга қаратилган 20 га яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ЎзМТДПдан сайланган депутат Мурат Қурбонов. — Жумладан, Президентимизнинг "Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги, "Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари асосида уй шароитида халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини ишлаб чиқаришда "Ҳунарманд" уюшмасига аъзо бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ имтиёзлари жорий этилди. Мана шу ҳуқуқий меъёрлар ижросини таъминлаш мақсадида тегишли ташкилотларга сўров билан мурожаат қиляпмиз. Депутатлик сўровлари натижасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига киритган сўровимиз натижасида республикамиз ҳудуди, айниқса, қишлоқ жойларда фаолият олиб бораётган кўплаб ҳунармандлар доимий иш билан таъминланди. Беруний туманидаги "Беруний Голд Текс", "Баҳодир ва К", Амударё тумани "Манғит град медиа", Қонликўл тумани "Рая-Зиёда" ҳамда Кегейли ва Қўнғирот туманларидаги корхоналарда яратилган иш ўринлари шулар жумласидандир.

ЎзМТДП депутатлари билан мулоқот вақтида мазкур сўровни ижобий ҳал этишга интилиш замирида яна бир асосий мақсад-муддао мужассамлигини англадик: яъни, ҳунармандчиликнинг ривожланиши оилада нафақат моддий фаровонликка хизмат қилади, балки ана шундай оила ва маҳаллаларда улғаётган ўғил-қизларда меҳнатсеварлик, сабр-тоқат, ота-боболарининг боқий меросини эъзозлаш туйғуларини шакллантиради. Ўз навбатида, ҳалол ризқ-рўз, пешона тери билан эришилган тўкин-сочинлик баракали эканини англаб вояга етган фарзандлар халқимизга ёт турли иллатлар таъсирига берилмайди, бўш вақтини беҳуда ўтказишга уринмайди.

Ҳа, маҳаллий Кенгаш депутатларининг қонун ва қонуности ҳужжатлар ижросини таъминлаш, аҳоли ва электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган саъй-ҳаракатлари замирида шу азиз Ватаннинг порлоқ келажаги йўлида интилиш, жонкуярлик борлиги диққатга сазовор. Бу жараёнда барча халқ вакили янада фаол ва ташаббускор бўлса, нур устига аъло нур бўлар эди.

**Мақсад ИЗМУРАТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири ўринбосари:**
— Республикамизда аҳоли, айниқса, хотин-қизлар ва ёшларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида миллий ҳунармандчиликни, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали жойларда янги иш ўринларини ташкиллаштириш юзасидан бир қатор саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ҳисобига яратилаётган янги иш ўринлари сони ҳам йилдан йилга кенгаймоқда. 2014 йил давомида 125 корхонада касаначилик асосида 3,5 мингдан зиёд иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг сўнгги уч ойида яна 800 га яқин ҳунарманд доимий иш билан таъминланди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида вазирликка депутатлик сўрови билан мурожаат этиб, ҳудудларда фойдаланилмаган имкониятлар мавжудлигини мисоллар билан ифода қилгани бизни янада фаол ва ташаббускор бўлишга чорлади. Шу боис мазкур сўровда келтирилган назорат-таҳлил маълумотларидан фойдаланиб, бир қатор корхона ва ташкилотлар фаолиятини жонлантиришга эътибор қаратдик. Натижада уй шароитида касаначилик иш ўринларини яратиш ҳисобидан яна минглаб хотин-қизлар, ёшлар ишли бўлди. Бундай амалий ишлар изчил давом эттирилмоқда.

**Нурпошша ОЛЛАБЕРГАНОВА,
ҳунарманд, Кегейли тумани:**
— Бугун ҳунармандлар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани самарасида барқарор даромадга эга бўлмоқда. Халқ усталари учун яратилаётган кенг имкониятлар ёшларнинг миллий ҳунармандлик сир-асрорларини эгаллашга бўлган қизиқишини янада оширишга хизмат қилмоқда. Оиламиз билан халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини ўзида мужассам этган гилам ва кашта буюмлари тикиш билан шуғулланамиз. Яқинда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фаоли сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидаги ЎзМТДП фракциясига оилавий корхона очиш ниятида уни қандай амалга ошириш борасида йўл-йўриқ сўраб, мурожаат қилдик. Улар бизга оилавий корхоналар учун солиқ ва коммунал хизматлар тўловларида имконият ва имтиёзлар мавжудлиги ҳамда соҳага оид бошқа зарур маълумотларни тақдим этди. Шунингдек, ҳунармандлар фаолиятини қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш тўғрисида тегишли ташкилотларга сўров киритилгани ва ҳудудимизда бу борадаги ишлар янада ривожланиши ҳақидаги янгиликларга эга бўлдик. Буни қарангки, орадан кўп вақт ўтмай, туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази саъй-ҳаракати билан оилавий корхона фаолиятини йўлга қўйдик. Натижада 3 киши доимий иш билан таъминланди.

**Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

Форум

# Кенг имконият ва юксак самаралар

***Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда "Ўзбекистон матбуоти" V Миллий форуми ўтказилди.***

"Янги давр, янгича ижтимоий муносабатлар – оммавий ахборот воситаларининг долзарб вазифалари" мавзусида ташкил этилган ушбу форумда сенаторлар, депутатлар, вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари вакиллари, давлат бошқаруви органлари ва нодавлат нотижорат тузилмаларининг матбуот хизматлари мутасаддилари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари, журналистлар қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси А.Саидов, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов, Журналистлар ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасини тизимли, босқичма-босқич ислоҳ этиш, фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқароларнинг сўз ва эътиқод эркинлиги, ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга экани, оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги ва уларнинг қонунга мувофиқ ишлаши белгилаб қўйилган.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарори нашриётлар, полиграфия корхоналари ва матбаа тарқатувчи ташкилотларни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоат назоратини ўрнатишда янги имкониятлар очмоқда.

Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси медиа соҳа ривожи йўлида муҳим дастуриламал бўлмоқда. Бунинг самарасида оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, таҳририятлар фаолиятига ташкилий-техник, моддий ва маънавий жиҳатдан кўмаклашиш, ходимларни қайта тайёрлаш, уларнинг касбга оид билим ва малакасини доимий ошириб бориш кўлами кенгаймоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуни фуқароларнинг ахборот соҳасига оид ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари масъулиятини янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари вакилларига давлат органлари фаолиятига оид ахборотларни тўсиқсиз олишнинг ишончли кафолатини яратиш имконини беради.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 3,6 карра кўпайиб, бугун 1,4 мингдан зиёдни ташкил этмоқда. Айни пайтда босма нашрларнинг 60 фоиздан зиёди, телерадиоканалларнинг 67 фоизи, интернет нашрларнинг 95 фоизи нодавлат медиа тузилмалардир.

Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан ўтказилаётган грант танловлари, ижтимоий буюртма ва субсидиялар фаолият туридан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнида медиа тузилмаларнинг фаоллигини ошириш, давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ижтимоий ҳамкорликни кучайтиришда алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказилаётган туркум семинарлар марказий ва ҳудудий ОАВ ходимларининг касб салоҳиятини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, маданий-маърифий соҳалардаги изчил ислоҳотлар жараёнига оид билимларини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Фонд томонидан анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ўзбекистон матбуоти" Миллий форуми мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, миллий ахборот маконини ривожлантириш, медиа соҳа ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар механизмини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини ривожлантиришнинг устувор масалаларини белгилаб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

– Форум ахборот хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалага бағишлангани билан муҳим аҳамиятга эга, – деди ЕХҲТ лойиҳалари координатори Дьерд Сабо. – Ўзбекистонда ОАВ ортиб бориши баробарида уларнинг аудиторияси доимий таҳлил этиб борилаётгани медиа тузилмалар фаолияти самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

– Бугун дунёда кечаётган мураккаб жараёнлар соҳа вакилларидан билим ва маҳоратини муттасил ошириб боришни талаб этмоқда, – дейди «Бухоро ёшлари» газетаси бош муҳаррири Лайло Ҳайитова. – Шу маънода турли маърифий лойиҳалар ёрдамида таҳририятлар ходимларининг малакасини, фаол фуқаролик позициясини, ижтимоий бурчи ва масъулиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Анжуманда ахборот соҳасини ислоҳ этиш борасидаги ҳуқуқий, ташкилий-техник, амалий чора-тадбирлар, ахборот хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш ва мазкур соҳа учун юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш, миллий ОАВнинг халқаро медиа маконда муносиб ўрин эгаллаши, рақамли ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши шароитида нодавлат ОАВларни ривожлантириш истиқболлари каби масалалар атрофлича муҳокама этилди, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

Миллий ғурур

# "Она юртим ишончини оқлашим керак"

**дейди республика ва халқаро танловлар ғолиби Азиза БОТИРОВА**

***Мусиқа — нозик инсоний кечинмалар ифодаси. Уни теран ҳис қилиш, маҳорат билан ижро этиш учун эса бетакрор истеъдод, юксак билим ва тажриба талаб этилади. Ижрочида мусиқани қалбдан ўтказиш билан бирга ифодаланган ғояни тингловчига етказа олиш қобилияти бўлиши ҳам зарур.***

Бугун мамлакатимизда навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдодини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг нодир намуналарини пухта ўзлаштириши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Биргина ўтган йилда мамлакатимиздаги мусиқа ва санъат мактаблари ўқувчиларидан 10 нафари Италия, Франция, АҚШ, Россия каби давлатларда ўтказилган йирик халқаро мусиқа ва санъат фестивалларида олий совринни, 60 нафари эса биринчи ўринни қўлга киритди. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицейи "Фортепьяно" бўлимининг 9-синфида таҳсил олаётган Азиза Ботирова ҳам ёш бўлишига қарамай, халқаро танловларда юқори натижаларга эришиб, юртимиз довруғини таратаётган ёшлардан.



— Мусиқа — ҳаётимнинг ажралмас қисми, — дейди Азиза Ботирова. — Болалигимдан мусиқий дастурларни тинглаганимда ҳаяжонга тушардим. Тезроқ катта бўлиб, ўқиб-ўрганиб, эшитаётган мусиқаларимни ижро этишни истардим. Ота-онам мени 2006 йилда Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг махсус фортепьяно бўлимига олиб борди. Олти ёшимдан бошлаб шу даргоҳда Е.Аҳаджоновадан мусиқа санъати сир-асрорини ўргандим. 2009 йилдан буён Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Марат Гумаровдан фортепьяно бўйича таҳсил олмоқдаман.

2011 йилда Италиянинг Барлетто шаҳрида ўтказилган халқаро танловда иккинчи ўринни қўлга киритдим. Бу танловда Иоганн Бах, Бетховен асарларини ижро этдим. Ўша йили менга Россиянинг Самара шаҳрида ўтказилган Юрий Башметовнинг "Маҳорат дарси"да иштирок этиш имконияти ҳам насиб қилди. Маҳорат сабоқларида мусиқа оламининг сир-синоатлари билан яқиндан танишдим.

2012 йили Франциянинг Париж шаҳрида бўлиб ўтган халқаро танловда иштирок этиб, Гайднинг "Доктор парнас" асарини ижро этдим. Аввалига саҳнага чиқиш пайтида жуда ҳаяжонландим. Кўз олдимдан бирмабир Ватаним, оилам, устозларим ўтди. Ва англадимки, оилам, яқинларим ишончини, албатта, оқлашим керак. Шундай ҳам бўлди. Ғолиб сифатида номим ва Ўзбекистон сўзи эълон қилинганида, кўзимга қувонч ёшлари келди. Кўнглимдан биринчи бўлиб она юртимга тезроқ қайтсам ва қувончимни яқинларим билан баҳам кўрсам, деган фикр ўтди...

Азиза 2013 йили Италиянинг Перуджио шаҳрида ўтказилган "Pianofortissimo" халқаро танловида Шопеннинг "Балеро" асарини ижро этиб, икки номинацияда "Гран-при" соҳиби бўлди. 2014 йилда эса Италиянинг Филадельфия шаҳрида ўтказилган "Citta di Filadelfia" халқаро танловида ҳам ғолиб чиқди.

Ёш иқтидор эгаси эришаётган ютуқлар замирида юртимизда ҳар томонлама баркамол — жисмонан соғлом, ақлан етук, айни пайтда мустақил ва ижодий фикрлашга қодир авлодни вояга етказиш борасида ёшларга яратиб берилаётган шароит ва имкониятлар мужассам. Қолаверса, ота-онаси ва устозларининг саъй-ҳаракати, меҳнатини эътироф этиш жоиз. Зеро, она Ватан ва яқинларининг ишончи муваффақиятлар калити бўлмоқда.

Ҳа, Азиза келажакда мусиқа оламида ўз ўрни ва созига эга бўлишга, Ўзбекистон номи халқаро беллашувларда янада кенг янграшида камтарона ҳиссасини қўшишга интилмоқда. У жорий йилда Элдор Азимов раҳбарлигида камер оркестрининг солисти сифатида ўзининг концерт дастурини намойиш этди. "Ҳали орзуларим, ўз олдимга қўйган мақсадларим кўп. Президентимизнинг "Маррани баланд олинг, келажак сизники, азиз фарзандларим" деган ишончи менга доимо куч бағишлаб, янги марралар сари илҳомлантириб туради", дейди у.

Азиза Ботированинг эзгу интилишлари, мақсадлари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ғоялари билан ҳамоҳанг. Зеро, партия сайловолди Платформасида болаларнинг руҳий-маънавий дунёсини ва маданий савиясини ўстириб бориш, уларнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг энг яхши асарлари билан ошно бўлиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, нафақат миллий, балки жаҳон мусиқа санъатининг кўпдан-кўп йўналишларини ҳам чуқур ўрганиш ва ютуқларини ўзлаштириш, санъаткор, айниқса, ёш хонанда ва созандаларимизнинг халқаро нуфузли танловлар ва фестивалларда иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишига эришиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Азиза сингари иқтидорли ёшлар эришаётган ютуқлар, ўз навбатида, партиянинг бу борадаги мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилиши шубҳасиз.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Танлов

# Истеъдодли созандалар баҳси

***Мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий маданият ва санъатимизни изчил равнақ топтириш, ўғил-қизларни ҳар жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш, уларнинг истеъдодини юзага чиқариш учун яқиндан кўмаклашишда турли кўрик-танлов, ижодий фестиваллар муҳим аҳамият касб этаётир. Ана шундай лойиҳаларда муносиб қатнашган кўплаб ёшларимиз миллий мусиқа санъатимизнинг бетакрор жозибасини дунёга таратмоқда.***

Жорий йилнинг 12-13 ноябрь кунлари Ўзбекистон давлат консерваториясида бўлиб ўтган "Созлар навоси" республика халқ чолғулари ижрочилари танловининг якуний босқичи ҳам ёш чолғучиларимизнинг маҳорати ва иқтидорини намоён этди.

Мазкур ёш мусиқа ижрочилари республика танловининг асосий мақсади — ёшларнинг маданият ва санъат соҳаларидаги истеъдодини аниқлаш ва маҳоратини намоён этиши учун ижодий майдон яратиш, мусиқа орқали ёшларнинг маданий савиясини юксалтириш, ўзбек миллий санъати анъаналарини тарғиб қилиш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказишдан иборат.

Тақдирлаш маросимида Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш учун кенг имкониятлар яратилганини таъкидлади. Мусиқа ва санъат йўналишидаги таълим масканларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, улардаги ўқув-тарбия жараёнини сифат ва мазмун жиҳатдан такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилгани истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга кенг йўл очди.



Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борадаги ишларни янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

— Бу каби танловларда ғолиб бўлган ёшлар келгусида ўзбек санъатини жаҳонга кўз-кўз қиладиган етук созандалар бўлиб етишига шубҳа йўқ. Зеро, бунинг учун барча шароит, имконият бор, — деди Б.Аҳмедов. — Бугун жаҳон саҳналарини забт этаётган ёшларимиз ҳам ана шундай танловларда кашф этилаётгани, санъатга ошуфта ёшлар маҳорат ошириб, тажриба тўплаётгани унинг аҳамияти ва нуфузини янада юксалтирмоқда.

Бу йил иккинчи марта ўтказилаётган кўрик-танлов қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Жорий мавсумда қуйи босқичларда 15 ёшдан 30 ёшгача бўлган етти юздан зиёд созанда иштирок этди. Якуний — республика босқичида эса 80 дан зиёд ўғил-қиз халқ ва анъанавий чолғулар йўналишида ўз маҳоратини синовдан ўтказди.

— Бундай лойиҳалар ёшларни эзгу ва аниқ мақсадлар сари дадил интилишга ундайди, — дейди Ўзбекистон давлат консерваторияси доценти Қаҳрамон Назиров. — Бу йилги танловни ўтган йилгиси билан таққосласак, ёшларнинг маҳорати ва тажрибаси ошганини яққол кўриш мумкин. Чунки ҳеч бир созандага танловда иштирок этиш ва ғалаба қозониш осон бўлгани йўқ. Ҳакамлар ҳайъати учун ҳам ижроларни баҳолаш мураккаб кечди. Чунки уларнинг ҳар бири ўзига хос ижро ва услубга эга.

Танловда иштирокчиларнинг профессионал маҳорати, саҳна маданияти, асарларнинг бадиий савияси, мазмунан теранлигига алоҳида эътибор қаратилди. Дамли, торли, камонли, зарбли чолғу каби йўналишларда баҳслашган 10 ёшдан 20 ёшгача, 20 дан 30 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланди. Уларга ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

— Най — энг қадимий миллий чолғу асбобларимиздан, — дейди танлов ғолиби, жиззахлик Давронбек Қаҳрамонов. — Уни боболаримиз неча минг йиллардан бери чалиб, бизгача асраб-авайлаб келган. Най оҳангларида ўзгача сир-синоат бор. Шунинг учун ҳам ёшлигимдан най чалишга иштиёқим баланд эди. Қолаверса, устозларимнинг меҳнати сабаб, танловда ғолиб бўлишга муваффақ бўлдим. Бу эътироф мени янги-янги марралар сари чорламоқда. Келажакда янада кунт билан ишлаб, юртимиз санъати довруғини оламга ёйишга ҳисса қўшмоқчиман.

Танлов доирасида "Халқ чолғулари ижрочилигида ёшлар фаоллигини ошириш масалалари" мавзусида илмий анжуман, соҳа мутахассисларининг сабоқлари ёш йигит-қизлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади.

Мухтасар айтганда, халқимизнинг қадимий бой тарихи, ижтимоий, маданий ҳаёти миллий чолғулар билан бевосита боғлиқ. Зеро, уларда аждодларимизнинг бой маънавияти, қобилияти, ҳаётбахш фазилатлари, иродаси мужассам. "Созлар навоси" республика танлови истиқлол йилларида қадр топган ана шундай эзгу қадрият ва анъаналаримиз, миллий санъатимизни ёшлар орасида тарғиб этиш, янада оммалаштиришга хизмат қилаётгани билан ҳам аҳамиятлидир.

**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Диққат, танлов!

## "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш жараёнини босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида **"Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида"** мавзуидаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмагида ўтказилади.

### Танлов шартлари

Танловга 2015 йилнинг 1 январидан 2015 йилнинг 1 декабригача республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

*Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида* (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) *маълумотлар илова қилинади. Танловга тақдим этилган ижодий ишлар қайтарилмайди.*

### Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмаси, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзуидаги ижодий танловга" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2015 йил 4 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси 30-уй, 2-қават, 45-хона.
Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51,
www.mmf.uz (http://www.mmf.uz),
e-mail: fonduz@umail.uz (mailto:uz@umail.uz).

**Ташкилий қўмита**

MILLIY TIKLANISH
45 (366) 2015 йил 18 ноябрь, чоршанба

**8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун**

# Конституция — миллий тикланишнинг ҳуқуқий пойдевори

***Мамлакатимизда 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили якунига етиб бормоқда. Кексаларни эъзозлаш хислати маънавий қадриятларимизнинг муҳим манбаларидан бўлиб, халқимизга хос бу азалий фазилат жорий йилда янада янги мазмун-моҳият билан бойиди.***

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, қарияларни эъзозлаш, ёши улуғларимизнинг ҳурмат-эҳтиромини жойига қўйиш нафақат маънавий, айни чоғда, ҳуқуқий қадриятларимиз сирасига киради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 39-моддасида "Ҳар ким қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек, боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқига эга" деб таъкидланган.

Маълумки, мустақиллик йилларида миллий тикланиш жараёнининг таркибий қисми сифатида бир қатор устувор вазифалар ҳаётимизга теран татбиқ этилмоқда. Биринчидан, миллий ғоямизни шакллантириш ва аҳоли онг-шуурига сингдириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш, иккинчидан, баркамол авлодни тарбиялаш ана шу долзарб вазифалар жумласига киради. Эътиборли жиҳати шундаки, миллий тикланиш ғоясининг таянчи бўлган ушбу масалаларнинг ҳуқуқий ечимлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатлаб қўйилган.

Конституция ва миллий тикланиш, маънавият ва маърифат, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият, миллий ўзлик ва азалий қадриятлар, кўҳна заминимиз одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва одиллик, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, инсонпарварлик ва тантилик каби улуғ хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган. Зотан, Асосий қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳияти ва маънавиятини, ижтимоий онги ва маданиятини ўзида яққол акс эттиради.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси яратилиши тарихига назар солинса, Асосий қонунимиз ўзбек халқининг мустақиллик сари узоқ йўлдаги изланишлари натижаси эканига комил ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормаларида халқимизнинг кўп асрлик тарихий тажрибаси ва маънавий-маърифий қадриятлари ҳамда бой миллий-ҳуқуқий мероси акс эттирилгани унинг ҳаётийлиги кафолатидир. Шу билан бирга, Бош қомусимиз кўплаб демократик давлатларда мавжуд конституциявий қурилиш соҳасидаги илғор юридик тажрибанинг энг яхши жиҳатларини, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг умумэътироф этилган нормалари ҳамда бу соҳадаги бошқа халқаро ҳужжатларга асосланган инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш механизмини ўзида мужассам этган. Жумладан, Ўзбекистон Конституцияси миллий манфаатларимиз ва интилишларимиздан келиб чиққан ҳолда, Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолнинг 97 та мамлакати тўплаган илғор конституциявий тажрибани ҳисобга олиб яратилган.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш тарихи — бу мустақиллик учун курашнинг узвий таркибий қисми, десак, ҳар томонлама тўғри бўлади. Табиийки, Конституцияни яратиш йўлидаги биринчи муҳим маънавий ва ҳуқуқий қадам — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилишидир. Бу ҳақда гап борганда, аввалабор, 1989 йилнинг 21 октябрь куни қизғин баҳс ва тортишувлардан сўнг сиёсий-маънавий ҳаётимиздаги унутилмас ҳодиса амалга оширилгани — миллий қадриятларимизнинг асосий устунларидан бири бўлган она тилимизга давлат тили мақоми берилгани истиқлол тарихининг энг ёркин саҳифаларидан бирини ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу тариқа, даставвал, "Давлат тили тўғрисида"ги қонунда акс этган конституциявий қоидалар Бош қомусимизнинг 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган: "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади".

Конституцияни яратиш йўлидаги яна бир муҳим маънавий ва ҳуқуқий қадам — давлат мустақиллигининг эълон қилинишидир. Бинобарин, мамлакатимиз раҳбарининг 1991 йил 31 августда, ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи, айниқса, ўша нутқдаги: "Мен шу бугундан эътиборан 1 сентябрни республикамизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман", деган сўзлари Ватанимиз тарихига олтин ҳарфлар билан мангуга муҳрлангани бежиз эмас.

Президентимиз орадан 17 йил ўтганидан сўнг ўзининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида ана шу тарихий воқеага: "1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз", дея юксак баҳо берди.

Конституциянинг қабул қилиниши давлат ва жамият қурилиши жабҳаларидаги муносабатларни, миллий қонунчилигимизнинг барча соҳаларини тартибга солувчи аниқ ҳуқуқий тизимни ташкил этди. Асосий қонунимизни амалга оширишнинг яхлит ҳуқуқий механизми яратилди. Унинг самарадорлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди ва бу бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.



Асосий қонунимизга нисбатан бундай юксак ва холис баҳолар берилишини, жумладан, қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Ўзбекистон Конституцияси ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир. Тарихда синалган умуминсоний ва умумбашарий маънавий-ҳуқуқий қадриятларни ҳамда халқаро андозаларни ўзида мужассам этган юридик ҳужжатдир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Конституцияси энг ривожланган, тараққий топган демократик давлатларнинг тарихий-ҳуқуқий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илғор хорижий конституциявий тажрибалар ўрганилди ва эътиборга олинди. Натижада эндиликда мустақиллик Қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай тараққий топган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон Конституциясининг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик миллий тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг бой ҳуқуқий меросини ўз ичига олган.

Тўртинчидан, Ўзбекистон Конституцияси ўзининг ҳуқуқий жиҳатлари, инсоний қиёфаси билан ажралиб туради. Асосий қонунимизда, Президентимиз таъкидлаганидек, дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда "фуқаро — жамият — давлат" ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечими топилган. Айни шунинг ўзи ҳам Конституция — халқимиз юксак маънавиятининг том маънодаги намоёни эканини яққол тасдиқлаб турибди.

Бешинчидан, неча минг йиллик тарихимиз шундан гувоҳлик берадики, олижаноблик ва инсонпарварлик, миллатлараро ва динлараро тотувликка интилиш халқимизнинг энг юксак маънавий фазилатларидандир. Истиқлол бизга ана шу эзгу анъаналарни изчил давом эттириш ва авлоддан авлодга тизимли ўтишини таъминлаш имконини берди. Шу маънода, Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, керак бўлса, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳуқуқий ҳимоя, демакдир.

Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, "Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятимиз — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир". Зеро, бугунги даврда ҳаётнинг ўзи бизга турли миллат, эътиқод ва дин вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ҳукм сурган шароитдагина умумий хонадонимиз бўлган Ватанимиз ва жамиятимиз, ҳар биримизнинг оила-рўзғоримиз, фарзандларимиз келажагини таъминлашга эришиш мумкинлигини кўрсатиб турибди.

Конституциямизнинг 42-моддасида: "Ҳар кимга илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш кафолатланади. Давлат жамиятнинг маданий, илмий ва техникавий ривожланишига ғамхўрлик қилади", деган норма мустаҳкамлаб қўйилган. Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни изчил ривожланаётгани мисолида ҳам ана шу конституциявий қоиданинг ҳаётимизга нечоғлик чуқур татбиқ этилаётганини кўриш мумкин.

Маърифат — маънавиятга олиб келадиган йўл. Иқтисодий ислоҳотларни ҳал этиш, ҳеч шубҳасиз, ғоят муҳим масала. Халқимизнинг бундан-да фаровонлигига ҳам, албатта, эришамиз. Аммо маънавий ислоҳотлар, қуллик ва мутелик искан жасидан бутунлай озод бўлиш, қадни баланд тутиш, ота-боболаримизнинг удумларини тиклаб, уларга муносиб ворис бўлиш, ҳар томонлама комил инсонни тарбиялаш — бу дунёда бундан ортиқроқ ва шарафлироқ вазифа йўқ.

Президентимиз таъбири билан айтганда, "Биз яшаётган XXI аср — интеллектуал бойлик ҳукмронлик қиладиган аср. Кимки бу ҳақиқатни ўз вақтида англаб олмаса, интеллектуал билим, интеллектуал бойликка интилиш ҳар қайси миллат ва халқ учун кундалик ҳаёт мазмунига айланмаса — бундай давлат жаҳон тараққиёти йўлидан четда қолиб кетиши муқаррар".

Интеллектуал салоҳиятнинг юксак даражада ривожланиши халқнинг миллий маънавияти юксалишида ҳам улкан омилга айланади. Яна бир муҳим томони — у миллий манфаатларни ҳимоя қилишда қудратли қурол вазифасини бажаради. Қолаверса, интеллектуал жиҳатдан тараққий топган мамлакатда демократик қадриятлар барқарор ривожланади. Нега деганда, интеллектуал бойлик фақат билим, ақлу тафаккур, илм-фан салоҳияти билан чекланмай, юксак маънавиятни ҳам ўз ичига олади.

Хулоса қилиб айтганда, Конституциямиз моддаларида ўз аксини топган миллат ва халқнинг руҳи, дунёқараши ва турмуш тарзини ифода этадиган миллий маънавиятга муносабат, уни замон талаблари асосида ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини ўзгартириш масаласи, айниқса, бугунги тез ўзгараётган ва мураккаб даврда, жадал ва кенг миқёсли глобаллашув шароитида ҳар томонлама чуқур ўйлаб иш юритишни талаб қилади.

Шу нуқтаи назардан, миллий тикланиш ғоясини, ушбу ғоянинг устувор йўналишлари ва асосий вазифаларини ўз сайловолди Платформаси ва Дастурида акс эттирган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси истиқлол ва янги давр ислоҳотларининг қатъий тақозоси сифатида майдонга чиққани бежиз эмас. Партиямизнинг ушбу бош ғояси эса халқимизнинг миллий ўзига хослиги ва маданиятини сақлаб қолиш ҳамда бугунги замон анъаналарига ҳамоҳанг равишда янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг келажакка кириб бориш стратегиясини амалга ошириш учун реал имкониятлар яратган ҳолда тараққиётнинг қудратли воситасига айланиши учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Акмал САИДОВ,**
**ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

**Диққат, Ёнғин хавфсизлиги ойлиги**

## Ҳурматли юртдошлар!

***Маълумки, қиш фаслида фуқароларнинг иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжи бирмунча кўпайиши ёнғин хавфи ортишига сабаб бўлади. Бундай ҳолатнинг олдини олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг 20 ноябридан 20 декабрига қадар мамлакатимизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.***

Ушбу ойликдан кўзланган асосий мақсад — иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларини, шунингдек, уй-жой фондини ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш ҳамда ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин хавфи юқори бўлган объектларда ёнғин хавфсизлигини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишдан иборат.

Азиз ватандошлар!

Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишингизни сўраймиз. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб, Сиз нафақат ойликнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси Ёнғин хавфсизлиги ойлиги тадбирларининг ўтказилишида фаол иштирок этган юртдошларимизга олдиндан самимий миннатдорлик билдиради.

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ**
**Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси**

**Олов — тилсиз ёв**

## Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш

**доимий масъулият талаб қиладиган вазифадир**

Ёнғинлар туфайли давлат ва халқ мулкига катта зарар етиши сир эмас. Бу, албатта, айрим фуқаролардаги бепарволик, масъулиятсизлик, хавфсизлик қоидаларига амал қилмаслик оқибатидир. Мана шундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида мамлакатимизда мунтазам ёнғин хавфсизлиги тадбирлари амалга оширилади. 2009 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуни қабул қилингани соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим дастуриламал бўлаётир.

Жорий йилда Юнусобод тумани ҳудудида кўп қаватли уйлар, турли ташкилот ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида содир бўлган ёнғинлар таҳлили уларнинг аксарияти носоз электр ускуналари ва очиқ оловдан фойдаланишда эҳтиётсизликка йўл қўйиш оқибатида юзага келаётганини кўрсатмоқда.

Шу боис энг аввало, тарғибот-ташвиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, маҳаллалар, йирик корхона, муассаса, ташкилотлар ва таълим муассасаларида ташкил этилаётган учрашувларда "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги қонуннинг мазмун моҳияти, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолаталр, унинг оқибатлари кўргазмали воситалар орқали атрофлича тушунтирилмоқда. Шунингдек, соҳа ходимлари жойларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш юзасидан кўрилган тайёргарликни яна бир бор назоратдан ўтказиб, ҳар бир объект бўйича ўз хулосаларини билдирмоқдалар. Жойлардаги учрашувларда фуқаролар йиғинлари, маҳаллаларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлашдаги иштироки, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам кўрсатиб ўтилмоқда.

Халқимизда "ўт балосидан асрасин", деган нақл бор. Мабодо, ёнғин содир бўлса, дарҳол ёнғин хавфсизлиги хизматига — 3-01 ва 7-01 телефон рақамлари орқали қўнғироқ қилиш лозим. Ёнғинни муассасаларда мавжуд бўлган бирламчи ўт ўчириш воситалари ёрдамида ўчиришга кўмаклашиш ҳам кутилган натижани беради. Хонадонларда газ плиталари ва асбобларидан фойдаланишда резина шлангларни ишлатмаган маъқул. Энг асосийси, ҳар биримиз уйдан чиқаётганимизда газ ва электр ускуналарини ўчиришни унутмаслигимиз зарур. Ёш болаларни уйда ёлғиз қолдириш, уларнинг гугурт ўйнашига йўл қўйиш ёнғин хавфини пайдо қилади.

Бу борада кенг жамоатчилик диққат-эътиборни кучайтириш лозим. Зеро, юртимиз ва халқимиз бойлигини, айниқса, инсон ҳаётини асраш барчамизнинг бурчимиздир.

**Дилшод УМАРОВ,**
**Юнусобод тумани ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори, сержант**

**Комиссия йиғилиши**

# Нодавлат нотижорат ташкилотлар

**фаолиятини янада ривожлантириш — доимий эътиборда**

***Бугун жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни кенгайиб бораётир. Улар илгари сураётган ҳар бир ташаббусни давлатимиз қўллаб-қувватламоқда. Айниқса, Давлат дастурлари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган манзилли дастурларни амалга ошириш, аҳолининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишда ННТлар фаол иштирок этмоқда.***

Республика болалар ижтимоий мослашув маркази Самарқанд ҳудудий филиалида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссиясининг кенгайтирилган сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссиялар аъзолари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этган тадбирни Парламент комиссияси раиси, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Акмал Саидов олиб борди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда юртимизда фуқаролик жамияти институтларининг аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашдаги фаоллигини кучайтириш, илғор ғоя ва ташаббусларини амалга оширишда ҳар жиҳатдан кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ҳамда унинг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳа ва дастурлари қўллаб-қувватлаб келинаётгани мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтармоқда. Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан республика Болалар ижтимоий мослашуви марказининг Фарғона ва Самарқанд шаҳарларидаги филиаллари ташкил этилгани ҳам шулар жумласидандир.

Марказнинг ушбу ҳудудий филиалида Самарқанд, Навоий, Жиззах ва Бухоро вилоятларидаги эҳтиёжманд, ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига ижтимоий-психологик, тиббий ёрдам кўрсатилмоқда.

— Бугунги кунда республикамизда 8,2 мингта ННТ фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан 685 таси Самарқанд вилояти ҳиссасига тўғри келади, — дейди Республика болалар ижтимоий мослашув маркази директори Васила Алимова. — Жорий йилда Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ўтказган 4 танлов якунларига кўра, ҳududдаги 14 иштирокчининг лойиҳалари қўллаб-қувватланди. Мазкур грант маблағлари доирасида ўқув курси ва марказлар ташкил этиш режалаштирилган. Уларда минглаб ёшлар, аёллар имтиёзли ўқитилишини инобатга олсак, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди ажратаётган маблағлар ҳудудларда ижтимоий-педагогик, ҳуқуқий ҳамда ахборот-таълим фаолиятларининг ривожланишига кўмак бераётганига гувоҳ бўламиз. Болалар ижтимоий мослашуви марказининг Самарқанд ҳудудий филиалига ҳам давлат ижтимоий буюртмаси сифатида 250 миллион сўм ажратилди. Мазкур маблағлар асосида филиалнинг моддий-техник базасини модернизациялаш, уни тиббий асбоб-ускуналар, махсус жиҳозлар билан таъминлаш ишлари амалга оширилади. Бу эса филиалда 360 дан зиёд болани бирламчи кўрикдан ўтказиш, 250 дан ортиқ ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандларига якка тартибдаги ёндашув орқали мажмуавий хизматлар кўрсатиш имконини беради.

Йиғилиш давомида Парламент комиссияси аъзолари грант танловларида ғолиб бўлган ННТ ва ОАВнинг фонд маблағлари асосида олиб бораётган ишлари билан танишдилар. Шунингдек, тадбирда Парламент комиссияси эълон қилаётган ижтимоий буюртма ва грант танловлари учун турли таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бизнинг шарҳ

*14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш куни. Унинг айнан шу санада белгиланиши канадалик олим Фредерик Бантин номи билан алоқадор. Гап шундаки, диабетга қарши дори воситаларидан бирини кашф этган Бантин 1891 йилнинг 14 ноябрида туғилган. У 1922 йилда тарихда илк бор диабетнинг оғир кўриниши билан оғриган бемор — 14 ёшли боланинг ҳаётини ўзи кашф этган дори воситасида сақлаб қолган.*

# Қандли диабет

**дунёда 300 миллиондан ортиқ киши ундан азият чекмоқда**

### У қандай касаллик?

Қандли диабет — ошқозон ости бези ишлаб чиқарадиган инсулин гормонининг мутлақ ёки нисбатан етишмовчилиги оқибатида юзага келадиган сурункали касаллик. Уни аниқлаш ҳар доим ҳам осон кечмайди. Шунданми, диабетга чалинган, бироқ бундан бехабар инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Касалликка ташхис қўйилганидан сўнг, уни енгиб ўтишда шифокордан кўра беморнинг ўзи кўпроқ жавобгар бўлади. Диабет кишидан доимий назоратни, ўз ҳаёт тарзига эътиборли бўлишни талаб этади. Инсулин етишмовчилиги ёки унга нисбатан тўқималарнинг носезувчанлиги туфайли организмда қондаги глюкоза микдори ошиб кетади. Бу эса барча тана аъзолари учун хавф туғдиради. Диабетнинг нохуш оқибатларидан бири — организм қайта тикланишининг қийинлашиши билан боғлиқ. Касаллик пайтида тери қуруқ ва юпқа бўлиб қолади. Кўп ҳолатларда қуриган тери ёрила бошлайди, ёриқларига эса инфекция тушиши мумкин. Бундай жароҳатларни даволаш жуда мураккаб. Шу боис, терининг устки қаватига намлатувчи малҳамлар суриш тавсия этилади. Бироқ таркибида салицил кислота, спирт, хушбўйлаштирувчи моддаси бор малҳамлардан фойдаланиш мумкин эмас.

### Диабет турлари

Диабетнинг инсулинга боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган икки тури мавжуд. Унинг биринчи тури инсулиннинг мутлақ етишмаслиги ҳолати. Диабетнинг мазкур тури, айниқса, болалар ва ўсмирларда кўп кузатилади. Қандли диабетнинг иккинчи тури ошқозон ости бези ишлаб чиқарган инсулин билан организмдаги ҳужайралар тўғри муносабатга кириша олмаслиги, уларнинг инсулинга нисбатан сезувчанлиги пасайиши туфайли юзага келади. Айнан шу туфайли глюкоза тўқималарга сўрилиб, қонда тўпланиб қолади. Диабетнинг мазкур тури 30-40 ёшдан сўнг ортиқча вазнли одамларда юзага келади. Диабетнинг биринчи турида касаллик асоратлари тез намоён бўлади, шу боис унга ташхис қўйиш кўп ҳам қийинчилик туғдирмайди. Диабетнинг иккинчи тури яширин ҳолда ривожланганлиги сабабли шифокорлар уни тасодифан аниқлаши мумкин. Шу боис диабетни имкон қадар дастлабки босқичларда аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Диабетга чалинган инсонларда мунтазам чанқаш, тез-тез пешоб қилиш, ҳолсизлик, кўп уйқу, кўриш қобилиятининг пасайиши, титраш, кафт ва товонда санчиш, юз терисида турли муаммоларнинг юзага келиши, тез озиб кетиш, тўйиб овқатлангандан кейин ҳам тезда оч қолиш каби аломатлар юзага келади.



Унинг яна бир кўриниши — ҳомиладорлик пайтидаги диабет. У ҳомиладор аёлларда углевод алмашинувининг бузилиши оқибатида юзага келади. Диабетнинг мазкур кўриниши ҳар йили дунё миқёсида 21 миллион аёлда қайд этилади. Қон таркибидаги глюкоза миқдорининг ошиши ҳомиланинг ривожланишига жиддий хавф солиши, юрак, нафас олиш ҳамда бошқа ҳаёт учун муҳим органларга зарар етказиши мумкин.

Яқинда олимлар касалликнинг яна бир — диабетнинг иккала тури ҳам мужассамлашган кўринишини аниқлашга муваффақ бўлди. Бу оралиқ диабет — "диабетнинг 1,5 тури", ёки "икки кўринишли диабет" деб ҳам аталади.

### Инсулин нега керак?

Замонавий тиббиётда даво воситаларини танлашда касалликнинг оғир-енгил кечиши, асоратлари бор-йўқлиги ҳисобга олинади. Чунончи, беморда ирсият сабабли ёшлик пайтида инсулин етишмаганида унинг ўрнини босиш мақсадида инсулин юборилади. Кексаларда ва кўпроқ тўла вазнли кишиларда инсулин нисбатан етишмаганда шифокор тавсиясига кўра парҳез қилиши зарур. Инсулин гармони суяклар ривожланишида бевосита иштирок этади. Унинг етишмовчилиги суяк тўқималари шаклланиши жараёнига салбий таъсир кўрсатади. Бу, айниқса, диабетнинг биринчи тури билан оғриган болаларда кўпроқ кузатилади. Уларда суяк оғирлигининг камайиши намоён бўлади. Улғайганидан сўнг — 25-30 ёш оралиғида улар остеопороз касаллигига чалиниши мумкин. Шунингдек, диабетга чалинган инсонларда суяк мўртлашади, синишга мойиллик ортади. Диабетнинг иккинчи тур касаллигига чалинган 50 ёшдан ўтган аёлларнинг сон суягининг синиш хавфи соғлом тенгдошларига нисбатан икки баравар юқори бўлади. Диабетнинг биринчи тури билан оғриган беморларда эса бу кўрсаткич янада юқори: уларда сон суяги синиши соғлом одамларга қараганда етти баравар кўп.

Қандли диабетга қарши инъекция терапиясидан фойдаланишга ўтилганига 90 йилдан ошди. Бироқ инъекция техникаси бўйича халқаро тавсиялар 2010 йилда 17 мамлакатнинг 127 эксперти томонидан ишлаб чиқилди.

### Парҳез — муҳим омил

Қандли диабетнинг иккинчи тури билан оғриган беморларнинг тўғри парҳез қилиши муҳим даво чораларидан бири саналади. Таом калориясини камайтириш учун истеъмол қилинадиган маҳсулотларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: юқори калорияли, ўртача калорияли ҳамда калориясиз. Диабет касаллигига чалинган инсонлар спиртли ичимликлар истеъмол қилишда эҳтиёткорликка риоя қилиши талаб этилади. Инсулин ёки қанд микдорини камайтирувчи дори воситаси қабул қилаётган бемор спиртли ичимликни кам микдорда истеъмол қилиши ҳам унинг соғлиғига салбий таъсир ўтказиши мумкин. Қандли диабет касаллиги пайтида иложи борича оёқ товонининг жароҳатланишига йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эга. Агар жароҳат юзага келса, дарҳол зарур чораларни кўриш талаб этилади. Бунинг учун мураккаб бўлмаган қоидаларга риоя қилиш зарур. Биринчи навбатда, қулай оёқ кийимини танлаш, уни пайпоқсиз киймаслик, оёқларни ҳар куни илиқ сувда совунлаб ювиш ҳамда сочиқ билан яхшилаб артиш лозим.

### Шок ва кома

Инсулинли шок организмда қанд микдорининг ҳаддан зиёд камайиб кетиши ёки инсулин гормонининг кўпайиб кетиши оқибатида юзага келади. Бу пайтда бош айланиши, титроқ, кўп терлаш, тез, бироқ кучсиз пульс, совуқ тер чиқиши, судирги каби аломатлар юзага келади. Диабетли кома организмда шакар миқдори (глюкоза)нинг ошиб кетиши, ошқозон ости безии ишлаб чиқарадиган инсулин гормонининг етишмовчилиги туфайли юзага келади. Мазкур ҳолат жуда секин кечади ва бу ичкиликдан заҳарланиш ҳолатига ўхшаб кетади. Шунингдек, мазкур ҳолатда кўп ухлаш, ҳаддан ташқари ташналик, қийин нафас олиш, терининг қуруқлашиб исиб кетиши сингари аломатлар юзага келади. Диабетли кома ҳолатида беморга тезда ёрдам кўрсатиш талаб этилади.

Болалар учун ҳам қандли диабет касаллиги осон кечмайди. Қолаверса, боланинг даволанишида бутун масъулият унинг ота-онаси зиммасига тушади. Агар бола боғча ёки мактабга қатнайдиган бўлса, унга алоҳида эътибор ва парвариш талаб этилади. Ўсмирларнинг кўпинча ўз тенгқурларидан уялиб, инсулин воситасини қабул қилмаслиги ёки глюкомер воситасида қондаги глюкозани ўлчатмаслиги билан боғлиқ ҳолатлар вазиятни янада мураккаблашишига олиб келиши мумкин.

### Диабетга чалинмай десангиз...

Диабетга қарши ўз вақтида чора кўрмаслик кейинчалик катта муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Диабет барча органларга, хусусан, кўз, буйрак фаолиятига путур етказади. Қандли диабетга чалинганларнинг 80 фоизи инфаркт ҳамда инсульт туфайли ҳаётдан кўз юмиши мумкин.

Диабет тез ривожланадиган касаллик эмас. Унинг аломатлари билинар-билинмас намоён бўлади. Бироқ инсон иш билан банд бўлиб уни вақтида сезмаслиги мумкин. Бу диабет олди ҳолати дейилади. Бундай ҳолатда касаллик ривожланишининг олдини олиш, ўз вақтида профилактика чораларини кўриш талаб этилади. Диабет олди ҳолати инсон организми қондан қандни тез ва тўлиқ ўзлаштира олмаслигидан келиб чиқади. Қоидага кўра глюкоза тўқималарга икки соат ичида етиб бориши керак. Мазкур жараённи инсулин гормони тартибга солади. Агар унинг етишмовчилиги сезилса ёки тўқималар унга нисбатан сезувчанликни йўқотса, ана шу икки соат ичида қонда қанд микдори ошиб кетади. Диабет ривожланиб кетишининг олдини олиш учун оддий қоидаларга риоя қилиш лозим. Масалан, кўп қаватли уйларда яшовчи инсонлар лифтда эмас, зина орқали чиқиб-тушиши, жамоат транспортида эмас, бироз пиёда сайр қилиши мақсадга мувофиқ. Овқатланиш меъёрига риоя қилиш ҳам муҳим омиллардан саналади. Бунинг учун меваларни кўпроқ истеъмол қилиб, ёғли, қовурилган, тиндирилган ва тузланган маҳсулотлар, газланган ширин ичимликларни камроқ истеъмол қилиш керак. Ҳатто, газланган ичимлик ҳам таркибида калорияли булочка ва ширинликлардан кам бўлмаган микдордаги шакарни сақлайди.

Диабет аломатлари юзага келган тақдирда, дарҳол шифокорга мурожаат қилиш лозим. Мазкур жараёнда қон таҳлилига қадар тўғри тайёргарлик кўриш ҳам муҳим саналади. Қоидага кўра овқатлангандан саккиз соат кейин қон таҳлили ўтказилиши лозим. Кўриккача камида уч кун аввал спиртли ичимлик, шарбат, газли сув ва таркибида шакар бўлган бошқа ичимликлар истеъмол қилишдан тийилиш талаб қилинади. Шунингдек, бир неча кун аввал жисмоний юкламалар ҳамда машқларни тўхтатиб туриш мақсадга мувофиқ.

### Диабетга қарши кураш ойлиги

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қарори билан ҳар йили ноябрь ойида мамлакатимизда қандли диабетга қарши кураш ойлиги ўтказиб келинмоқда. Ушбу тадбирдан мақсад — мазкур йўналиш бўйича тиббий профилактика ишларини янада кенгайтириш, аҳолининг тиббий билим ва маданиятини, қандли диабет касаллигини ташхислаш ва даволаш самарадорлигини оширишдан иборат. Бу йил ҳам мазкур ойликка жиддий тайёргарлик кўрилди. Ойлик давомида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази, шунингдек, барча вилоят эндокринология диспансерларида очиқ эшиклар куни ташкил этилади. Бунда барча хоҳловчилар қандли диабетга алоқадор зарур маслаҳат ва ташхис ёрдамини олиши мумкин. Ана шу муносабат билан Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиникада, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида, бир қанча тиббиёт коллежида скрининг кунлари ўтказилади ва тадбир доирасида аҳоли марказ мутахассислари томонидан тиббий кўрикдан ўтади. Шунингдек, "Эндокрин касалликларининг долзарб масалалари" мавзусида республика анжумани ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Унда Ўзбекистондаги ёш олимлар ўтган йиллар давомида эндокринология соҳасида ўзлари олиб борган илмий тадқиқот натижалари бўйича маърузалар билан иштирок этади. Мазкур анжуман эндокринолог мутахассислар, қандли диабетни даволаш ва олдини олиш билан шуғулланувчи диабетологлар билим ва малакасини оширишга, шунингдек, кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатининг яхшиланишига хизмат қилиши кутилмоқда. Диабет ойлиги тадбири якунида марказ ходимлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда қандли диабет ва унинг олдини олиш масалалари ҳамда ўтказилган тадбир натижаларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этади.

## ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

### 27 турар-жой кўчки остида қолди

**Хитойнинг шарқий қисмидаги Чжэцзян вилоятида содир бўлган кўчки оқибатида 16 киши ҳалок бўлди, 21 киши бедарак йўқолди.**



Бу ҳақда "Assoshieyted press" агентлиги маълумотларига таяниб, "RIA Novosti" хабар тарқатган. Аввалроқ тўққиз киши ҳалок бўлгани, 28 киши йўқолгани ҳақида хабар берилган эди. Фалокат Лишуй шаҳар округидаги Лидонг қишлоғида юз берган. Тош ва лойдан иборат оқим қишлоққа ёпирилган. 27 турар-жой кўчки остида қолган. Қутқарувчилар шу пайтгача бир кишини қутқаришга эришди.

### Сув тошқинига сабаб — ёғингарчилик

**Ҳиндистонда давом этаётган ёғингарчилик оқибатида сув тошқинлари юзага келди.**

Оқибатда 60 киши ҳалок бўлди. Бу ҳақда "DD News" нашри хабар тарқатган. Кучли ёмғир мамлакат жанубидаги Тамилнад штатига катта талофат келтирган. Мазкур штатда 70 миллион киши яшайди. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, табиий офат туфайли йўлларда транспорт қатнови тўхтаб қолган ва поездлар ҳаракатида муаммолар юзага келган. Бу ҳолат камида уч кун давом этиши мумкинлиги айтилмоқда.



### Илк қоидабузарлик

**АҚШнинг Калифорния штатидаги Маунтин-Вью шаҳрида полициячилар "Google" ҳайдовчисиз автомобилини жуда секин ҳаракатлангани учун тўхтатди.**

Автомобиль соатига 35 мил (тахминан 56 километр) тезлик билан ҳаракатланиш лозим бўлган йўлда соатига 24 мил (тахминан 38 километр) тезликда юрган. Оқибатда "Google" машинаси ортида бошқа автомобиллар тўпланиб, уларнинг ўтиб кетишига халал берган. Полиция ходимлари автомобилни тўхтатиб, операторларга машина йўл ҳаракатига тўсиқ бўлаётганини тушунтирган.



"Google"нинг аниқлик киритишича, синовдаги ҳайдовчисиз автомобилнинг тезлиги хавфсизлик нуқтаи назаридан соатига 25 мил тезлик билан чекланган. Шу пайтга қадар мазкур машиналар 1,9 миллион километр йўл босишга улгурган ҳамда бирор марта йўл қоидасини бузиш ва жаримага тортилиш билан боғлиқ ҳолатга учрамаган.

Рангин дунё

*Монакода денгиз сатҳидан 85 метр баландликдаги тепаликда мовий денгиз ва океан ажойиботлари ҳақида маълумот берувчи Океаншунослик музейи жойлашган. Мазкур музей Париж шаҳридаги Океаншунослик институтининг илмий базаси саналади. Унинг коллекциялари қаторидан ўрин эгаллаган экспонатлар дунё миқёсида жуда катта илмий қийматга эга.*

# Денгиз ажойиботлари кўзгуси

Музейга 1899 йилда асос солинган. Унда сақланаётган экспонатларнинг аксариятини Монако шаҳзодаси Альберт I тақдим этган. У денгиз ва океанларда олиб борилган қатор илмий-тадқиқот экспедицияларини ташкиллаштирган, кўпларига ўзи бошчилик қилган. Альберт денгиз ва океанларни тадқиқ этиш учун даставвал "Ирондель" яхтасини қурдиради. Кема битгандан сўнг, у бир гуруҳ океанолог-олимлар билан бирга илк экспедицияда иштирок этади. Бора-бора унда денгиз ва океанларни ўрганишга бўлган иштиёқ ошиб борди. Натижада тадқиқот ишлари учун "Ирондель II", "Қиролича Алиса", "Қиролича Алиса II" каби елканли яхталар қурдиради. Кўп ўтмай, Альберт йиққан коллекциялар шу даражада кўпайиб кетадики, уларни бир жойга жамлаш учун махсус иншоот зарур бўлади. Шаҳзода барча қулайлик, хусусан, лаборатория ва кутубхонага эга музей қуриш учун қулай жой сифатида денгизга қараган мафтункор тепаликни танлайди. Музей биносини 1910 йилда архитектор Делефортри қуради. 1922 йилда шаҳзода Альберт вафот этгач, унинг ўрнини эгаллаган шаҳзода денгиз ва океанларга кўп ҳам қизиқмади. Қолаверса, Биринчи жаҳон урушидан сўнг Европада кузатилган инқироз туфайли шаҳзода Альбертнинг музейни молиялаштириш учун ажратган маблағи ўз қадрини йўқота бошлади. Натижада унинг илмий лабораториялари фаолияти ҳам тўхтади. Кейинчалик музей янада қийин кунларни бошдан кечирди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида, ҳатто, ёпилиш даражасига келиб қолади. Илмий тадқиқотлар учун махсус қурилган "Ирондель II" яхтаси ҳам киностудиялардан бирига сотиб юборилади. Шунга қарамай, урушдан сўнг Монакода туризм ривож топа бошлади. Океаншунослик музейи чипталар сотувидан кун кўра оладиган дунёдаги ягона илмий марказга айланди. Ана шу пайтда музейнинг халқаро қўмитаси музей фаолиятини яхшилаш мақсадида атоқли океанолог-олим, тадқиқотчи, акваланг ихтирочиси, денгиз ости саёҳатларига бағишланган ўнлаб илмий-оммабоп фильмлар муаллифи Жак-Ив Кустони музей директори этиб тайинлади. Шундан бошлаб музей тарихида янги саҳифа очилади. Кусто шаҳзода Альберт I бошлаб берган анъанани давом эттириб, музейнинг кўп йиллик тараққиёт режасини ишлаб чиқади ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга киришади. Ташриф буюрувчилар сонини ошириш учун музей аквариумини янада кенгайтириш, кутубхона ишини яхшилаш, музейга малакали ходимларни ишга олиш, тадқиқот бўлимини қайта шакллантириш, замонавий асбоб-ускуналар харид қилиш талаб этилди. Монаконинг ўша вақтдаги шаҳзодаси Ренье III ҳам бобоси Альберт I сингари денгизни ўрганишга иштиёқи баланд эди. Шу боис у Кустога қўлидан келган ёрдамни берди.



Қолаверса, мамлакатнинг ёш шаҳзодаси Океаншунослик институтининг фахрий раиси ҳам эди. Шунингдек, у махсус ташкил этилган радиоактивлик лабораторияси ҳамда музей қошидаги денгиз радиоактивлигини ўрганиш халқаро марказига раҳбарлик қилди. Ана шу вақтдан бошлаб музей денгиз, океанлар мусаффолигини сақлаш, уларни турли, хусусан, радиоактив чиқиндилардан асрашга қаратилган халқаро учрашувлар, илмий симпозиумларга мезбонлик қила бошлади. Музей ва унинг директори саъй-ҳаракатлари ўлароқ Ўрта ер денгизига радиоактив чиқиндилар ташлаш маън этилишига эришилди.

...Музейда чинакам денгиз муҳити ҳукмрон. Ундан сал пастроқда очиқ осмон остида маринариум хиёбони қурилган. Сал нарида эса балиқлар етиштириладиган ферма бор. Музейга кираверишда Кустога тегишли машҳур батискаф — сув ости аппарати жойлашган. Музейда бочка кўринишидаги қадимий скафандр ўрин олган. Бу ерда кичик денгиз жониворлари — планктонлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи зал ҳам мавжуд. Унинг қарама-қарши томонида жойлашган йирик кит скелетлари сақланадиган хона ҳам томошабинлар эътиборидан четда қолмайди. Музейнинг йирик аквариумлари ҳар қандай меҳмонни ҳайратга солиши аниқ. Улардан дунёнинг турли минтақаларидан олиб келинган денгиз жониворлари ўрин олган. Музей аквариумларида жами 50 мингдан зиёд денгиз жониворлари — кичик балиқлардан тортиб, йиртқич акулагача бор. Музей шифтига осиб қўйилган йирик саккизоёқ макети денгиз манзарасини янада бойитади. Бундай экспонатларнинг барчаси бу ерга ташриф буюрувчиларга денгиз муҳитини ҳис этишга ёрдам беради. Бундан ташқари, музейда экспедиция чоғида фойдаланилган навигацион асбоб-ускуналарнинг йирик коллекциялари билан ҳам танишиш мумкин. Музей кутубхонасида эса океаншунослик бўйича илмий маърузаларнинг минглаб жилди сақланади.

**Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

Музейда бир кун...

# Марказий Осиёда ягона

## Тошкент политехника музейи иш бошлади

*Бугун фан-техника тараққиёти янги-янги марраларни забт этмоқда. Таъбир жоиз бўлса, ҳар куни инсониятга янада қулай шароит ва имконият яратилмоқда. Бироқ унинг ибтидоси ҳақида ҳамма ҳам тўлиқ тасаввурга эга эмас. Автомобилсозлик саноати бугунга қадар қандай йўлларни босиб ўтган? Бир неча аср муқаддам яратилган илк машиналар, тракторларнинг кўриниши қандай бўлган? Улар қандай ҳаракатланган?*

Бу каби саволларга яқинда иш бошлаган, Марказий Осиёдаги ягона — Тошкент политехника музейида жавоб топасиз...

Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида музейлар фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳа ривожи йўлида қабул қилинган ўттизга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бу борада муҳим дастуриламал бўлаётир. Айни пайтда мамлакатимизда халқимизнинг миллий маданияти, тарихи, санъати, қадимий анъана ва қадриятларини ўзида мужассам этган беш юзга яқин музей фаолият юритмоқда. Улар қаторидан жой олган политехника музейи ўз экспонатлари билан бошқаларидан тубдан фарқ қилади...



Музейга қадам қўйдик... У уч — "Жаҳон автомобилсозлик тарихи", "Ўзбекистон автомобилсозлик тарихи" ва "Интерактив амалиёт" бўлимларидан иборат. Жаҳон ва мамлакатимиз автомобилсозлик саноати тарихи, экспонатлар, макетлар — барчаси биринчи қаватда жойлашган.

"Жаҳон автомобилсозлик тарихи" бўлимида дунёда ясалган биринчи ғилдирагу машиналар макетидан тортиб, XX асрда энг оммабоп бўлган "Wolksvagen Juk", "Москвич 400", "ГАЗ-13", "Чайка" каби автомобиль намуналарини учратасиз. Шунингдек, буғ, электр, ички ёнув двигателлари, шу асосда ҳаракатланган автомобилларнинг макетларини Тошкентдаги Турин политехника университети талабалари худди аслидек ясаган.

— Бу бўлим нафақат ретро автомобиль ихлосмандларини, балки оддий инсонларни ҳам қизиқтириши шубҳасиз, — дейди экскурсовод Адиба Қурбонова. — Чунки автомобилсозликнинг энг қадимий кўриниши, яратилиш тарихи ҳақидаги маълумотлар, юртимиздаги илк трамвай ва троллейбусларнинг макетлари ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Томошабинлар махсус ўрнатилган монитор орқали уларнинг қайси кўчаларда, қандай ҳаракатланганини ўз кўзлари билан кўришлари мумкин.

Музейнинг яна бир диққатга сазовор экспонати — Қўқон ва Хоразм араваларидир. Қўли гул, моҳир усталар ясаган бу ўзига хос техника юртимизнинг бугун автомобилсозлик саноатида эришаётган ютуқларининг асоси ва пойдевори бўлса, ажаб эмас...



Қишлоқ хўжалиги ривожи дастлаб омоч ва кетмондан бошланган. Аммо бугунги ёшларнинг аксари улар ҳақида тўлиқ маълумотга эга эмас. Шунинг учун ҳам музейдаги ҳўкизга қўшилган омоч экспонати кўпчилик эътиборини тортади. Унинг ёнида ўтган асрда ишлаб чиқарилган "Фордзон", "Универсал" русумли, нарироқда эса Тошкент трактор заводининг замонавий тракторларига кўзингиз тушади. Бу экспонат кечаги ва бугунги кун ҳақида, аждодларимиз босиб ўтган залворли йўл, истиқлол берган имконият, қисқа вақт ичида мустақил Ўзбекистон эришган муваффақият ҳақида сўзлайди.

Юртимизда автомобилсозлик саноатига асос солиниши халқимизнинг истиқлол йилларида эришган энг катта ютуқларидан бири бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда автомобилсозлик иқтисодиётнинг жадал ривожланаётган соҳаларидан бирига айланиб, ўзбек автосаноати замонавий технологиялар билан жиҳозланган кўплаб корхоналарни ўз ичига олади. Жаҳондаги нуфузли компаниялар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга хизмат қилмоқда. Асакадаги "GM Uzbekistan" автомобиль заводида халқаро стандартларга жавоб берадиган, қулайлиги, хавфсизлиги, ишончлилиги ва тежамкорлиги билан дунё бўйича рақобатлаша оладиган енгил автомобиллар ишлаб чиқарилмоқда. Самарқанддаги "SamAvto" заводида тайёрланаётган "ISUZU" русумли автобуслар, юк автомобиллари, ихтисослаштирилган транспорт воситалари — автофургон, сув ва чиқинди ташиш машиналари, автоминоралар, эвакуаторлар ишончлилиги ва фойдаланишда қулайлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. "JV MAN Avto — Uzbekistan" қўшма корхонасида эса замонавий юк ташиш автомобиллари ишлаб чиқарилмоқда. Политехника музейи залида ана шу заводларнинг макети, "Матиз", "Нексия, "Спарк" автомобилларининг илк, "Ласетти" русумли автомобилнинг эса миллионинчи намунаси ўрин олган. Уларни кузата туриб, салкам йигирма йил мобайнида автомобилсозлик соҳасида эришилган ютуқлар бир-бир кўз олдингиздан ўтади...

— Интернет сайтларида бу музей ҳақида хабар топишим билан фарзандларимни олиб, томошага шошилдим, — дейди тошкентлик Нилуфар Эшбекова. — Очиғи, бунчалик кўп таассуротга эга бўлишимни кутмаган эдим. Фарзандларим илгари фақат киноларда кўрган автомобилларни ўз кўзлари билан кўриб, роса ҳайратланди. Айниқса, "Spark" автомобилининг ясалиш жараёнлари ҳақидаги уч ўлчамли қисқа метражли фильм катта таассурот қолдирди.

Иккинчи қаватда "Интерактив амалиёт" бўлими жойлашган. Бу ерда сизни аниқ фанлар бўйича улкан ютуқларга эришган шарқ ва ғарб алломалари кутиб олгандек бўлади гўё. Айниқса, дунёдаги илк ўлчов бирликлари, телескоп, юртимиз тарихига оид қизиқарли фактлар, тесла шари, велогенератор, уй шаклидаги соат, Архимед ричаги, Леонардо да Винчи кўприги, рақсга тушувчи роботлар — буларнинг барчаси ёшлар ва ҳатто катталарнинг ҳам ақлини чархлашга, ҳаётда физика қонуниятлари асосида қандай ишларни амалга ошириш мумкинлиги ҳақида қизиқ маълумотлар олишга хизмат қилади.

— Бўлимдаги интерактив амалиёт ва экспонатлар фарзандларнинг ақлини чархлабгина қолмай, дунёқарашини кенгайтиришга ҳам хизмат қилади, — дейди музей директори Гулчеҳра Аҳмедова. — Масалан, кўзгули лабиринт ва лабиринт китоблари градус ҳақида маълумот берса, иллюзия хонаси, блокли механизмлар кўпроқ мушоҳадага чорлайди, физика қонунлари ва ахборот коммуникацияларини чуқурроқ ўрганишга ундайди. Яқин кунларда бу ерда физика, математика, кимё фанлари, робот ясашга қизиқувчи ёшлар учун махсус курслар ташкил этишни режалаштирганмиз. Бу ерда кичик ёшдаги болалар учун махсус майдончалар бор. Бу уларни мурғаклигидан музейлар билан ошно тутинишига туртки беради...

Музейлар ёш авлод маънавиятини, дунёқарашини бойитувчи, ўтмиш ва келажак ўртасидаги муҳим воситадир. Шу маънода, Тошкент политехника музейи ҳам юртимиз техника тарихи ва унинг бугунги салоҳиятидан дарак берувчи муҳим манба сифатида алоҳида аҳамиятга эга. Улардаги экспонатлар ҳар бир юртдошимиз қалбида Ватанга бўлган муҳаббатни дилдан ҳис қилишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Тўмарис АЪЗАМ,**
**Аҳмад ЮСУПОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбирлари**

Реклама

ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!

"АСАКА" банк

"Асака" банк 20 йил

«EXPORT IMPORT BANK OF KOREA» (КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ), «COMMERZBANK AG» (ГЕРМАНИЯ) ва «LANDESBANK AG» (ГЕРМАНИЯ) кредит линиялари маблағлари ҳисобидан тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштириш бўйича аризалар қабул қилмоқда.

КРЕДИТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ШАРТЛАРИ:

| | |
|---|---|
| **Лойиҳалар** | Саноат ёки қишлоқ хўжалиги соҳасида экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, кенгайтириш ёки амалдаги ишлаб чиқаришларни реконструкция қилиш. |
| **Қарздор** | **«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:**<br>— Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар;<br>— Ўз маҳсулотлари ёки хизматларини Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларга сотувчи ёки Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компанияларнинг маҳсулотлари ва хизматларини сотиб олувчи компаниялар.<br>**«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:**<br>— Ўзбекистон Республикаси резидентлари – хусусий кичик корхона, қўшма корхона, акциядорлик жамиятлари. |
| **Кредит мақсади** | **«Export Import Bank of Korea» (Корея Республикаси) кредит линияси бўйича:**<br>Корея Республикаси капитали иштирокида ташкил этилган компаниялар учун:<br>— асбоб-ускуналар сотиб олиш ва ўрнатиш;<br>— стратегик инвестициялар.<br>Корея Республикаси капитали иштирок этмаган компаниялар учун:<br>— Корея Республикаси капитали иштирокидаги компанияларга асбоб-ускуналар сотиш ва хизматлар кўрсатиш;<br>— Корея Республикаси капитали иштирокидаги компаниялардан асбоб-ускуналар ва хизматларни сотиб олиш.<br>**«Commerzbank AG» (Германия) ва «Landesbank AG» (Германия) кредит линияси бўйича:**<br>— Импорт асбоб-ускуналар ва технологияларни сотиб олишни молиялаштириш ҳамда ишчи капиталини шакллантириш харажатларини қоплаш. |

**Қўшимча маълумот учун телефонлар: (+99871) 120-81-77, 120-82-98, 120-82-66, 120-82-29.**

«Асака» банк – тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!

www.asakabank.com

*Хизматлар лицензияланган*

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

# Ҳам мазали, ҳам фойдали

**Юртимизда ошқовоқнинг қовоқ, палов кади, витаминли, каратинли ва томоша қовоқ (патиссон), қовоқча (кабачка) каби кўплаб навлари экилади.**



Ошқовоқнинг 90 фоизи сувдан иборат, асосан, тўқ сариқ рангда. Таркиби фенолик ва биофлавоноид антиоксидантларига, инсон организмига А витаминини берадиган бетакаротин билан тўла. 100 грамм ошқовоқ 23 ккал озуқавий қийматга эга. Инсон саломатлиги учун ҳар куни оз миқдорда бўлса-да ошқовоқ ейиш тавсия этилади. Ошқовоқли таомларни тез-тез истеъмол қилиш юрак хасталиклари ва тез қаришнинг олдини олади. Минералларга бой ошқовоқ эти энг яхши косметик воситадир. Унинг қирғичдан ўтказилгани ёки шарбати ёғли юзга суртилса, тери таранглашиб, ёғсизланади. Шифокорлар пиелонефрит ва гипертоник касалликларга чалинганларга ошқовоқдан тайёрланган таомларни истеъмол қилишни тавсия этишади. Таркибида А витамини борлиги сабаб у яра ва жароҳатлар, куйиш оқибатида пайдо бўлган яллиғланишга ҳам даво. Бунинг учун ошқовоқ этини қирғичдан ўтказиб, яра устига қўйиш ва бу компрессни 2-3 соат давомида боғлаб қўйиш самарали натижа беради. Чунки ошқовоқ ўзида сақлаган пектин толалари ёрдамида ортиқча холестерин, токсинларни сидириб ташлайди. Ошқовоқ жигар касалликлари, буйрак ва пешоб қопи хасталикларига ҳам шифо. Бунинг учун ошқовоқдан енгил ҳазм бўлувчи суюқ таомлар пишириш тавсия этилади. Қабзиятга қарши ошқовоқ шарбати буюрилади. Эмизикли болаларга ошқовоқ бўтқаси ва шарбатини бериб туриш жуда фойдали. У гўдакнинг ичи қотиб қолишдан сақлайди ва қорин дамини ҳайдайди. Ошқовоқ шарбатини олма ва сабзи шарбати билан аралаштириб истеъмол қилиш ҳам мумкин. Уни қайнатиб шарбати ичилса, йўтал ва кўкракда пайдо бўлган оғриқни қолдиради.

Ошқовоқнинг уруғи ҳам худди ўзи сингари табиий дорихона. Сабаби, унинг таркибида кўп миқдорда мой, кальций ва магний маъданлари, оқсил, биологик фаол моддалар, темир, B3 ва B6 дармондорилари, шунингдек, бир қанча фойдали кимёвий моддалар мавжуд. Шунинг учун у шамоллаш ва онкологик касалликларнинг олдини олишда яхши самара беради. Қолаверса, ошқовоқ уруғи суяк тўқималарини мустаҳкамлаш, асаб толалари ва мускуллар фаолиятини яхшилаш, юрак-қон томир тизими касалликлари даволашда фойдали хусусиятга эга.

БИЛАСИЗМИ?

- Дунёдаги илк автобусни 1801 йилда Ричард Тревник ихтиро қилган. У биринчи марта ўша йилнинг 24 декабрида Англияда намойиш этилди. Буғ двигатель воситасида ҳаракатланган автобус саккиз кишини ташишга мўлжалланган эди.
- Илк электр автобус 1886 йилда Лондон кўчаларида ҳаракатлана бошлади. Унинг тезлиги соатига 11,2 километрни ташкил этган.

ТУРФА ОЛАМ

# Янги робот кўпроқ чопди

**Хитойда жойлашган Чунцин университети қошидаги Автоматлаштириш коллежининг Ли Кюин Ду бошчилигидаги тадқиқотчилари ясаган "Xinghe 1" роботи "Гиннеснинг рекордлари" китобидан жой олди.**

У АҚШда тайёрланган тўрт оёқли — "Ranger" роботининг рекордини янгилашга муваффақ бўлди. Бунинг учун робот стадион йўлакчасида уч кун югурди. Қувватлантириш учун роботга орарада "дам берилди". У жами 340 минг қадам босиб, 134,03 километр масофани босиб ўтди. Бунинг учун 54 соат ҳамда 0,8 киловатт қувват сарфлади. Бу билан АҚШнинг Корнелль университети мутахассислари ясаган "Ренжер" роботининг аввал қайд этган натижасини икки бараварга яхшилашга эришилди. Тезлиги юқори бўлишига қарамай, робот 30 соат мобайнида 65 километр масофани босиб ўтиб, 0,5 киловатт қувват сарфлаган эди.



Хитойлик мутахассисларнинг фикрича, улар учун рекорд қайд этиш бирдан-бир мақсад эмас. Олимлар роботнинг электр самарадорлигини аниқлашни ҳам режалаштирган эди. Келгусида мазкур роботлардан инсон ҳаёти учун хавф туғдирадиган соҳаларда фойдаланиш режалаштирилмоқда.

# "Ўргимчак-автомобиль"

**Француз ихтирочилари Паскаль Рембо, Жером Арсак ҳамда Тьери Жеймс йўлда учрайдиган тўсиқ ва тепаликлардан ҳеч бир қийинчиликсиз ўтиб кета оладиган "Swincar" "ўргимчак-автомобил"ини ясади.**

У одатий ғилдиракли транспорт воситаларидан анча фарқ қилади. Ҳар бир ғилдирак 1-1,5 киловаттли алоҳида электр двигателлар билан жиҳозланган. У "чаққон" мотоцикллар каби имкониятларга эга бўлиб, 50 даражали тепалик ҳамда 70 даражали пастликдан ҳеч бир қийинчиликсиз ўтиб кета олади. Ҳаракат чоғида ўнг ёки чап томондан дуч келинадиган тўсиқ ёки чуқурликларда ўрчимчак каби ҳеч нима кўрмагандек оёқли ғилдираклари ёрдамида ҳаракатланади.

Ўргимчак-автомобиль худди "Piaggio MP3" мотоцикллари каби эгилиб қайрилади. Автомобиль барча ғилдирак билан алоқадор руль чамбараги воситасида бошқарилади. "Swincar" нотекис йўлларда ҳайдовчи хавфсизлигини таъминлайдиган ишончли тормоз бошқаруви тизимига эга. Автомобилнинг қувват манбаи — ҳайдовчи оёқлари остига ўрнатилган 2,4 киловаттли аккумулятор. Келгусида ихтирочилар атроф-муҳитга зарарсиз мазкур автомобилнинг янада мукаммал кўринишини ишлаб чиқаришни режалаштирган.

**Ш.ҒАФФОРОВ тайёрлади.**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси ўқув қўлланмалар чоп этиш учун тендер эълон қилади.

**Маълумот учун телефон:**
**239-45-77, 277-60-15. e-mail: info@mt.uz**

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ҲОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмат ХУДОЁРОВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Беҳзод НОРБОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 1125, Адади — 5438. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Шоҳида ДАМАНОВА
**Навбатчи:** Аҳмад ЮСУПОВ
**Саҳифаловчи:** Илҳом ЖУМАНОВ
**Электрон почта:** e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 22.50.
ЎзА якуни — 22.45.

ISSN 2010-7714
12 45